JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA
UNIVERSITETI

XALQARO MUNOSABATLAR

SIYOSAT, IQTISOD, HUQUQ

ILMIY-NAZARIY JURNAL

ЧИТАЛЬНИЙ ЗАЛ
ІНВ. № ж/4407/3

3/2005
(№21)

BOSH MUHARRIR S.SAFOYEV

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

B.O.Bahriddinov, A.O.Fayzullayev, R.F.Farmonov, I.A.Hamedov,
Q.A.Jo'rayev, E.R.Mahmudov, I.V.Mavlonov, F.A.Mo'minov, A.S.Rasulov,
K.Q.Rashidov, L.A.Saidova, N.Sirajiddinov, M.T.Turdiyev,
Q.X.Xonazarov (bosh muharrir o'rinbosari-mas'ul muharrir),
B.A.Xo'jayev,V.X.Ergashev, T.Y.Shamsharov

TELEFONLAR: 67-07-41; 67-94-07; FAKS: 67-09-00
TAHRIRIYAT MANZILI: 700113, Toshkent, Buyuk Ipak yo'li, 54.

Ushbu sonni tayyorlaganlar:

Nashr bo'limi mudiri T.Y.Shamsharov
Muharrirlar: I.N.Kasachov, S.Matchonov, A.M.Bicherova
Original-maket va dizayn: I.A.Semenyuk

JIDU ruxsatisiz qayta chop etish man qilinadi.
Ko'chirib bosilganda «Xalqaro munosabatlar»jurnali ko'rsatilishi shart.
Tahrir hay'ati fikri muallif fikridan o'zgacha bo'lishi mumkin.
Qo'lyozmalar, suratlar qaytarilmaydi.

Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается.
При перепечатке ссылка на журнал
«Xalqaro munosabatlar» обязательна.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов
публикуемых статей.
Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.

Ushbu nashr 068 raqami bilan qayd etilgan

Formati 70x100 1/16. Hajmi 8,4 b.t. Nusxa soni 500. Kelishilgan narxda.
"PATENT PRESS" korxonasida chop etildi. Toshkent, To'y tepa ko'chasi, 2a.

© Xalqaro munosabatlar, 2005.

МУНДАРИЖА

С. Сафоев
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧАЁТГАН ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА МИНТАҚАНИНГ ҲОЗИРГИ ДУНЁ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ 5

SIYOSAT

С.Саидолимов
ХАВФСИЗЛИК БОРАСИДАГИ АЙРИМ КОНЦЕПТУАЛ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 16

Я. Мухаммедов
УЗБЕКИСТАН – ИРАН: ОТНОШЕНИЯ В НОВЫХ УСЛОВИЯХ..... 24

Г.И.Юлдашева
ГЕОПОЛИТИЧЕСКИЕ ИНТЕРЕСЫ АНКАРЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В КОНТЕКСТЕ ИРАНО-АМЕРИКАНСКИХ ПРОТИВОРЕЧИЙ..... 28

IQTISODIYOT

Б.А.Хўжаев
МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ..... 33

Р.Каримов
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧ ТАРМОҚЛАРИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР..... 43

И.З.Абдуллаев
МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОРПОРАЦИИ И ПРОЦЕСС ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ (НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ)..... 53

Aziza Umarova
ECONOMIC INTEGRATION IN CENTRAL ASIA: PROBLEMS AND PROSPECTS..... 61

HUQUQ

А.Б.Гулимов
ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ЗОНЫ, СВОБОДНОЙ ОТ ЯДЕРНОГО ОРУЖИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ..... 67

Б.И.Исмаилов
СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С МЕЖДУНАРОДНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТЬЮ 72

Г.Худойбердиева
ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ. 80

MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT

Н.Аллаева
ХИВА ХОНЛИГИ ВА ЭРОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН (XVI-XVIII АСРЛАР) 85

Ф.Муминов
МЕТОДИКА ПОДГОТОВКИ НАУЧНОЙ СТАТЬИ 91

Х.Г.Гуломов
ХАНСКИЙ ПОСОЛ В РОССИИ 98

ILMIY ANJUMANLAR MATERIALLARI

Л. Саидова
ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ 102

Н. Сиражиддинов
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ 106

Р.У. Эрназаров
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР 109

З.С.Убайдуллаев
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ 112

К.Юнусов
ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ РОЛИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ 114

С. Сафоев,
и.ф.н., ЖИДУ ректори

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧАЁТГАН ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА МИНТАҚАНИНГ ҲОЗИРГИ ДУНЁ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган мулоҳазалар ичида асосийларидан бири - бу тобора жадаллик билан мураккаблашиб бораётган замонавий дунёда фақатгина ўзгаришларга тез мослаша биладиган, умумжаҳон сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг магистрал йўналишига мувофиқ равишда ривожланаётган мамлакатларгина муваффақият қозонишга қодирлиги масаласидир[1].

Ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида *глобаллашув* жараёни, яъни бутун жаҳон хўжалиги қисмларини бир-бирига чамбарчас боғлайдиган яхлит иқтисодий, молиявий ва информацион ҳудуднинг пайдо бўлиши янада жадаллашди. Айрим тадқиқотчиларнинг иборасига биноан унинг асл моҳияти - миллий чегараларни деярли тан олмайдиган бир бутун, ягона «*глобал маҳалла*»нинг вужудга келишидан иборатдир.[2] Бунинг оқибатида давлатлар ва ҳукуматлар таъсир имкониятлари ва прерогативалари нисбатан камайиб трансмиллий омил ва актерларга ўтаётгани кузатилмоқда. Мазкур жараённинг йилдан-йилга эмас, кундан-кунга янада тезлашиб боришини ифодаловчи «*гиперглобализация*» тушунчаси пайдо бўлди[3].

Глобаллашув жараёни нафақат мисли кузатилмаган тараққиётни, балки қатор жиддий муаммолар, янги таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Молиявий, табиий ресурслардан фойдаланишда, киши бошига тўғри келадиган даромад нуқтаи назаридан «*асимметрик ўзаро боғлиқлик*», яъни ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар орасидаги тафовут

[1] Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент. "Ўзбекистон", 2005. - 35-бет.

[2] See: T. Friedman, *The Lexus and the Olive Tree*, Straus, New York, 1999; M. McLuhan, *The Global Village: Transformations in World Life and Media in the 21st Century*, New York, 2001; S. Strange, *The Retreat of the State*, Cambridge, 1996; M. Waters, *Globalisation*, London, 1995; E. Kofman and G. Youngs, *Globalization Theory and Practice*, London, 1996.

[3] B. De Schutter and J. Pas, *About Globalisation*, Brussels, University Press, 2004.

тобора кескинлашиб бормоқда[1]. Ғоявий ва маданий глобаллашув натижасида миллий қадриятлар емирилиши ва анъанавий турмуш тарзи издан чиқиши хатари кучаймоқда. Бу барча минтақаларда сиёсий арбоблар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчиликнинг безовталигига, «*антиглобалистик*»[2] ҳаракатнинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Аммо тан олиш лозимки *глобаллашув бу объектив воқеликдир*. Бу жараённи ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида бошланди деб англаш нотўғридир. Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш жараёнига, молиявий трансакцияларга, ахборот айрибошловига миллий чегаралар тўсиқлари доимо, азалдан тор бўлган ва улар алоҳида мамлакат ададларидан кенгроқ фазога чиқишга интилганлар. Бу тенденция, айниқса, охирги 500 йил мобайнида яққол кўзга ташланди ва XX асрнинг иккинчи ярмида мислсиз тезлашди.

Глобаллашувга нисбатан бўлган ҳар қандай муносабатдан қатъий назар, у инсоният тараққиётининг магистрал йўналиши бўлиб қолаверади. Бутун муаммо у бераётган имкониятдан фойдаланиб, айни вақтда у вужудга келтираётган хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олишдан иборатдир.

II. Глобаллашув жараёнининг асосий хусусиятларидан бири - *минтақавийлашув*, яъни минтақавий интеграцияларнинг чуқурлашувидир. Европа Иттифоқи, НАФТА, АСЕАН, Меркосур ва бошқа ташкилотлар бунинг ёрқин исботидир. Худди шундай Марказий Осиё ҳам бу тенденциялардан истисно эмас.

Марказий Осиё минтақасининг замонавий чегаралари тўғрисида ҳанузгача турли баҳс-мунозаралар юритилмоқда. Бу макон турли вақтда ва турли халқлар томонидан *Мовароуннаҳр, Трансоксания, Туркистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Каспийорти, Марказий Евроосиё, Турон* сингари номлар билан аталган. Фарқ фақатгина атамаларда эмас. Минтақанинг таркиби ва ададларини белгилаш ҳам турлича бўлган ва бугунга қадар Марказий Осиёнинг чегараларига оид яхлит, умумэътироф этилган ёндашув йўқ.

Шу билан бирга, гарчи минтақанинг ҳудуди ва таркибини белгилашда хилма-хил талқинлар бўлса-да, Марказий Осиёни ўрганувчи барча тадқиқотчиларга бирдек тааллуқли бўлган бир хулоса мавжуд. Бу ҳам бўлса - *Марказий Осиё инсониятнинг ривожланишида, халқаро кучлар мувозанатида доимо муҳим роль ўйнаб келган*. Бу минтақа узоқ тарихдан бошлаб шу кунгача ниҳоятда интенсив геосиёсий, маданий, иқтисодий, миграцион жараёнлар сфераси бўлиб келди.

Таниқли инглиз олими Арнольд Тойнби ўзининг «Тарихни ўрганиш» деган монументал асарида таъкидлаганидек: «*Окса-Яксартес ҳавзаси* (яъни Амударё ва Сирдарё оралиғи - С.С.) *жаҳоннинг ҳамма йўллари келиб учрашадиган маркази ёки бурилиш нуқтаси бўлган. Бу ерда мавжуд табиий шароитлар унинг халқаро чорраҳага айланишига хизмат қилган*»[1].

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда Марказий Осиёга ўтган асрнинг сиёсий хариталарини қўллаган ҳолда назар ташлаб бўлмайди. Бу минтақада янги геостратегик воқелик юзага келди. Унда кечаётган сиёсий, иқтисодий, цивилизацион жараёнлар, хавфсизлик соҳасидаги муаммолар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёга анъанавий, ўтган давр ўлчовлари билан ёндашиш нафақат назарий жиҳатдан ноаниқлик киритади, балки амалиёт эҳтиёжларига ҳам жавоб бермайди. Бу ердаги жараёнларни тушуниш ва англаш, энг муҳими, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш учун эски андозалар тор бўлиб кўринмоқда. Ўйлаймизки, нафақат маданий ва инсоний нуқтаи назардан, балки геосиёсий ва геоиқтисодий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда *Марказий Осиё таркибига собиқ совет иттифоқидаги бешта мамлакат билан биргаликда Афғонистон ва Хитойнинг Ғарбий ҳудудларини ҳам киритмоқ лозим.*

III. Уинстон Черчилнинг фикрича, келажакнинг саволларига тўғри жавоб топиш учун тарихни чуқур ўрганмоқ лозим.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаб ўтиш жоизки, тарихан, Марказий Осиё *тўртта* йирик минтақавий тузилмалари билан доимо ўта муҳим, чуқур ўзаро алоқаларда бўлиб келган. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги шу қадар узвий бўлганки, айрим ҳолларда Марказий Осиёдаги жараёнлар ушбу минтақалардаги тараққиёт мазмуни ва характерига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган, тарихий ривожида кескин бурилишларнинг сабаби бўлган. Шу билан бирга акси ҳам, яъни ўша минтақаларнинг Марказий Осиё тараққиётига ҳал этувчи таъсири - кўп ҳолатларда рўй берган. Бу тўрт минтақавий тузилма қуйидагилардир:

1. *Форс Кўрфази ва Кавказ билан Яқин Шарқ*. Бу минтақалар билан Марказий Осиё ўртасида чуқур тарихий илдизларга эга бўлган маданий-маърифий ва этник боғлиқлик мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Минтақадаги миллионлаб мусулмонлар ўша томонга қараб намоз ўқийдилар ва мавриди келганда хажга борадилар. Тарихан синалган савдо йўллари мавжуд ва уларнинг аҳамияти ҳозирги даврда янгидан тикланмоқда. Ўша ўлкадаги бир неча империялар Марказий Осиёдан чиққан халқлар томонидан барпо этилган. Айрим Ғарб тадқиқотчилари (масалан, Принстон университетининг профессори Бернард Льюис) Марказий Осиёни цивилизацион нуқтаи назардан Яқин Шарқнинг қисми деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса «*Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ*» деган минтақавий тузилма ҳақида сўз юритадилар. Бизнинг фикри-

[1] 1960 йили киши бошига тўғри келадиган даромад бўйича Ер юзи аҳолисининг энг бой 20%и билан энг камбағал 20% орасидаги тафовут 30:1 ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу нисбат 74:1 га етди ва бу тафовут ўсиши давом этмоқда.

[2] Қизиғи шундаки, кузатувчилар таъкидлаганларидек, *антиглобалистлар* глобаллашувга қарши "*бутун жаҳон компаниясини*" ташкил қилиб, ноилож, яна бир бор глобаллашув, шу жумладан, унга қарши бўлганлар ичида, чуқур илдиз отганлигини намойиш этмоқдалар.

[1] Toynbee A. *A Study of History*. Oxford University Press, New York & London, 1947. - P. 415.

мизча бу ёндашувлар илмий нуқтаи назардан чуқур асосланган эмасдир.

2. *Ҳиндистон ва Афғонистон билан Жанубий Осиё субминтақаси.* Бу ерда Марказий Осиёга территориал нуқтаи назардан энг яқин, унга қарата ҳеч қачон агрессив сиёсат олиб бормаган ва марказий осиёликларни доимо ўзига ром эттирган қўшни ажнабий цивилизация қарор топган. Икки минтақа орасида ниҳоятда чуқур ўзаро алоқалар мавжуд. Айрим даврларда улар ягона сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳудудни ташкил қилишган. Ҳозирги кунда ушбу жанубий йўналиш Марказий Осиё учун айни вақтда ҳам трансмиллий хавф-хатарлар, хам батамом янги имкониятлар манбаси бўлиб келмоқда.

3. *Хитой.* Кўп асрлар давомида Марказий Осиё билан Хитой ўртасидаги алоқалар интенсивлиги икки омил билан белгиланган. Биринчиси, бу - савдо ҳажми. Бунинг энг ёрқин кўриниши - Буюк Ипак йўлининг кўтарилиши ва мавқеини йўқотиш тарихидир. Иккинчиси, икки ўлка оралиғи, айниқса ўрта асрларнинг бошида, этник гуруҳлар миграцияси макони бўлиб келган. Шу икки омил Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги ришталар жадаллигини тақозо қилган ва бугунги кунда жаҳон савдо йўлларининг ўзгариши ва Хитой иқтисодий қувватининг кескин равишда ўсиб бориши натижасида ушбу алоқалар яна бир карра фаоллашаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

4. *XVII асрдан бошлаб Россия сифатида шаклланган Русь.* Россия ва Марказий Осиё алоқалари генерал Черняев юришларидан бошланган эмас, албатта. Бу икки минтақа орасида ётган Буюк Дашт ўртадаги *бўлиниш* макони эмас, балки ниҳоятда интенсив *муштарак сиёсий, ҳарбий, миграцион ва бошқа жараёнлар фазоси* бўлиб келган. Икки томоннинг давлатчилик маданияти бир-бирига катта таъсир кўрсатган. Марказий Осиёнинг ривожига ташқи дунё билан боғловчи асосий темир йўл айнан шимолий йўналишдан келганлиги бугун ҳам ушбу вектор-нинг аҳамиятини белгилайди.

Тарих шуни кўрсатадики, *Марказий Осиёнинг энг юксалган, равнақ топган даврлари у бошқа минтақалар билан алоқалари интенсив бўлган вақтга тўғри келади.* Акси бўлган даврлар бу ўлкага қолоқлик, парокандалик, жаҳолатпарастлик ва натижада қашшоқликни олиб келган. Фақатгина маҳсулот, тажриба, ғоялар, илм-фан ва маданият ютуқлари билан интенсив айрибошлашувга очиқлик минтақанинг гуркираб ривожланишини таъминлай олган. Буюк олим В.Бартольд ўзининг «Туркистон тарихи» номли фундаментал асарида: *«Марказий Осиё илгарилари тутган ўрнининг тикланиши, батамом унинг жаҳон савдосида тутган мавқеини яна қайта тиклашига ва транспорт коммуникацияларини ривожлантира билишига боғлиқ»*[1], - деб хулоса қилади.

IV. Айрим ажнабий тадқиқотчилар фикрича, Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти, унинг ўзининг потенциали билан эмас,

[1] Бартольд В.В. История Туркестана. Издательство Восточной литературы, Москва, 1963. - С. 166.

балки бу ўлканинг ҳақиқатдан муҳим минтақаларга бевосита чегарадошлиги билан белгиланади. Масалан, оммабоп «Уикепедия фри» энциклопедияда қуйидагича таъкидланади: «*Марказий Осиё узоқ вақт мобайнида стратегик аҳамиятга эга бўлган минтақа деб ҳисобланишининг боиси фақатгина уни Евросиё маконида жойлашган буюк давлатларга яқинлиги билан боғлиқ. Минтақанинг ўзи ҳеч қачон на ўтроқ, устун бўлган аҳолига эга бўлган, на ўз табиий бойликларидан фойдалана олишга қодир бўлган. Шу боис бутун тарих мобайнида жуда камдан кам ҳолатда у қувватли империя ёки нуфузли давлат макони бўлган... Марказий Осиё кўпроқ ташқаридаги кучларнинг ўзаро жанг майдони бўлиб келган*».

Бизнинг фикримизча эса бугунги дунёда Марказий Осиёнинг *ўзига хос* аҳамияти бор. У бир қатор омиллар мажмуи билан белгиланади. Ушбу мажмуини *икки гуруҳга* бўлиш мумкин. Уларнинг биринчисини шартли равишда *ижобий омиллар* деб аташ ва қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Марказий Осиёнинг *нуфуз* нуқтаи назаридан *нисбий* вазни тобора ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида бу макроминтақада (яъни юқорида таърифланган чегараларида) 95 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Унинг кўпайиши нисбатан тез суръатларга эга. Шу кунга қадар бу ерда аҳоли миқдори ҳар 20-25 йилда икки маротаба ошиб келган эди. Гарчи аҳолининг ўсиш суръати аста-секин пасайиб борса-да, у ҳали ҳам юқоридир. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчликнинг батамом ўрнатилиши ва миллионлаб қочоқларнинг ватанига қайтиб келиши ҳамда Хитой ғарбий худудларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, Марказий Осиёда аҳоли сонининг кўпайиш тенденцияси сақланиб қолинишини башорат қилишга имкон беради.

2. Минтақада *халқаро аҳамиятга эга бўлган табиий бойликлар*, жумладан, энергетика захиралари мавжуд. АҚШнинг Энергетика Ахборот Маъмурияти Марказий Осиёнинг энергетик захираларига оид қуйидаги маълумотларни беради.

Марказий Осиёнинг энергия потенциали[1]

Мамлакатлар	*Нефть захиралари (млн. баррелда)*	*Табиий газ захиралари (трлн. куб. фут)*
Озарбайжон	4-12,000	11
Қозоғистон	10-17,000	53-83
Қирғизстон	40	0,2
Тожикистон	12	0,2
Туркманистон	1,700	98-155
Ўзбекистон	600	74-88
Дунё миқёсида	**1,033,200**	**5,142**

[1] Strategic Assessment of Central Eurasia. The Atlantic Council & Central Asia-Caucasus Institute, SAIS, Washington DC, 2001. - P. 8.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиё энергия потенциали дунё миқёсида нефть ва табиий газ бозорларига *ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш учун етарли эмас*. Аммо аниқки, ниҳоятда тез ўсиб бораётган Хитой, Ҳиндистон ва Покистон иқтисодиётлари баланд суръатларни сақлаб қолиш учун қўшимча энергия манбасини топмоқлари даркор. Бу манба айнан Марказий Осиёда мавжуд. Бу мамлакатларнинг дунё бозорида ва жаҳон геостратегиясида тутган ўта муҳим роли инобатга олинса, Марказий Осиё энергия потенциалининг аҳамиятини тўла англаш мумкин.

1.Охирги даврда Марказий Осиёга *йирик хорижий сармоялар кириб келмоқда* ва бу жараён йилдан йилга жадаллашмоқда. Агар 1992-2000 йилларда, АҚШ етакчи тадқиқотчиларининг ҳисоб-китобига қараганда, Марказий Осиё ва Озарбайжон иқтисодиётларига 50 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоя жалб қилинган бўлса,[1] 2001-2004 йиллар давомида бу ерга қўшимча 17,1 миллиард доллар *бевосита хорижий инвестициялар (FDI)* келиб тушди[2]. Афғонистондаги тинчликни барпо этиш ва халқ хўжалигини тиклаш учун 2002 йил Токиода бўлиб ўтган конференцияда донор мамлакатлар уч йил мобайнида бу мамлакатга жами 4,5 миллиард долларлик молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олдилар. Албатта, барча режалар амалга ошгани йўқ, аммо барқарорлик илдиз отиши билан Афғонистонда ҳар йили катта маблағлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикаси ўзининг ғарбий ҳудуди бўлмиш Синжон-Уйғур автоном ўлкасини ривожлантириш учун йирик сармояларни амалга оширмоқда. Сўзсиз, Марказий Осиёга келаётган маблағлар жаҳон миқёсида ҳам катта салмоққа эга ва уларнинг сарфланиши дунё ҳамжамияти томонидан Марказий Осиёдаги барқарорлик билан боғлиқ бўлган манфаатдорлигининг яна бир омилидир. У ҳам сиғимли, тобора ўсиб бораётган бозор, ҳам стратегик хом ашёнинг муҳим манбаси сифатида кўрилмоқда.

2.Марказий Осиё Евросиё *транспорт йўлаклари чорраҳасида* жойлашган ва бу ерда йирик, нисбатан ривожланган транспорт-коммуникацион тармоқлари мавжуд. Минтақа транспорт ва телекоммуникация нуқтаи назаридан энг муҳим геоиқтисодий минтақалар - Европа ҳамда Узоқ Шарқни боғловчи макон сифатидаги роли тобора ортиб бормоқда.

3.Марказий Осиё нафақат аҳолисининг кўпчилиги мусулмон динига мансуб бўлган минтақалардан бири, балки бу ўлка ислом дунёсининг энг муҳим марказлари сафига киради. Бежиз эмаски, радикал оқимларнинг раҳбарлари айнан шу ўлкага экстремистик ғояларни олиб келишга алоҳида урғу бермоқдалар. Шу билан бирга, ЕХҲТда аъзолик эвазига,

[1] Ibid., P. 9.

[2] Ҳисобланган: Asian Development: Outlook 2005, ADB Report, Hong Kong, China, 2005. - P.318.

Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Марказий Осиё бугунги кунда Европа жараёнининг бевосита иштирокчисига айланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, айримлар бу минтақани цивилизациялар ўртасидаги авж олаётган можарода «фронт чизиғида жойлашган ҳудуд» деб таърифламоқдалар. Бошқалар эса, Марказий Осиёнинг минг йиллар мобайнида маърифатпарвар, бағрикенг, толерант, диний эътиқод ва ижтимоий этикани ривожлантириб келганини кўрсатиб, айнан шу макон Ғарб ва Шарқ, турли дин ва маданиятлар ўртасидаги *мулоқот учун муҳим фазо* бўлиш имкониятини кўрсатмоқдалар.

V. Минтақанинг аҳамияти нафақат янги имкониятлар ва истиқболлар билан, балки *янги таҳдид ва таҳликалар билан ҳам* белгиланади. Умуман олганда, замонавий дунёда *трансчегаравий*, яъни ўз моҳияти бўйича айрим давлат чегаралари билан чекланмасдан, минтақавий, баъзи пайтда эса глобал миқёсда ҳаракат қилувчи таҳликалардан ҳоли ўлка йўқ. Марказий Осиёнинг муаммоси шундаки, бу ерда барча асосий таҳдидлар айни вақтда мавжуд. Боз устига улар бири-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолатда ҳаракат қилмоқдалар. Бошқача айтганда, минтақада трансчегаравий таҳликаларнинг *комбинацияси* вужудга келди. Бу эса наинки улардан келиб чиқаётган хавф-хатарнинг арифметик равишда *қўшилиб* ортишига, балки *кўпайтириш эффектининг (multiplying effect)* пайдо бўлишига олиб келади.

Марказий Осиёга хос бўлган *муаммовий омилларга (challenging factors)* қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. *Халқаро терроризм*. Аввал асосан Яқин Шарқда жойлашган халқаро терроризм марказлари охирги йиллар мобайнида Марказий Осиёга яқин бўлган ҳудудларга кўчиб ўтмоқда. Илгари муайян давлат билан боғлиқ бўлган терроризм бугун трансмиллийлик хусусиятига эга. Моҳиятан антиглобалистик бўлган янги терроризм глобаллашув ютуқларидан (Интернет, коммуникация воситалари, давлатлараро чегараларни кесиб ўтишнинг енгиллашуви ва ҳ.к.) фаол фойдаланмоқда. Унинг душмани муайян ҳукумат эмас, балки барча унга қарши турган кучлар. Агар ўтган давр террористлари аниқ бир шахсга қарши суиқасд уюштиришни ўзига мақсад қилган бўлсалар, *янги терроризм* «юмшоқ нишонлар», яъни ҳимоя қилинмаган оддий инсонлар тўпланган жойларда қўпорувчилик ҳаракатларини олиб боришмоқда. Унинг мақсади наинки аниқ сиёсий мақсадга эришиш, балки жамиятга, бутун дунёга даҳшат солиш, уни саросимага туширишдир. Ўзбекистонда содир бўлган террористик ҳаракатларнинг таҳлили яна шуни кўрсатадики, «*Марказий Осиё терроризми*» ўз «кун тартиби» бўйича қўлланиётган усул ва тактика, ишга солинаётган қўпорувчи техника бўйича, «*Яқин Шарқ терроризми*»дан фарқи кам бўлиб қолмоқда.

2. *Диний экстремизм.* Афсуски Ғарбда терроризм ва экстремизм ўртасида бўлган узвий боғлиқликни ҳамма ҳам англай олмаяпти. Масалан, айрим тадқиқотчилар Ҳизбут-таҳрир ташкилоти ўта экстремистик ғояларни тарқатаётганини тан олиш билан бирга, бу ташкилот фақат мафкуравий ҳаракат олиб боради ва бевосита зўравонлик ва қон тўкишда иштирокдан бош тортади деган фикрни илгари сурмоқдалар. Ваҳоланки, ёшларнинг онгини ғайри-динларга нисбатан нафрат билан заҳарлаш айнан террористик ташкилотларга «*мобилизацион ресурс*» тайёрлашнинг ўзидир. Асосий муаммо - бу экстремизмнинг табиатини тушуниш, унинг илдизларини аниқлаш ва унга қарши кураш усулларини белгилашдир.

Марказий Осиёда ҳам, бошқа минтақалар каби, жамиятдаги чуқур ўзгаришлар, турмуш тарзининг кескин бурилиши, *маргинал* қатламларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу тоифа социал ориентирларини йўқотиб, нажотни эски, анъанавий турмуш тарзидан излайди. Бу жараён бутун дунёда кузатилаётган ислом динидаги трансформация, ички кураш ва унда янги оқимлар пайдо бўлишига тўғри келди. Бунинг оқибатида Марказий Осиё турли ғоявий экспансия объектига айланади.

Шунинг учун диний экстремизм Марказий Осиёдаги муайян давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг муаммоси эмас. Бу - глобал хавф. Худди шунингдек, айрим ғарбий ноҳукумат ташкилотлар талқин қилаётганидек, бу ердаги муаммони давлат ва дин ўртасидаги кураш деб кўрсатиш масаланинг туб моҳиятини тушунмасликдир. Диний экстремизм амалда ислом дини ичида кечаётган инқирозий жараёнларни, уни тамоман янги глобаллашув шароитларида *ўзини англашга* уринишининг кўринишларидан биридир.

3. «*Демократик фундаментализм*». Радикал исломни экспорт қилишга уринувчилар ғарбий жамият андозаларини Марказий Осиёга экспорт қилиш сиёсатини олиб бормоқдалар. Қизиғи шундаки, биринчи кўринишда бир-бирига тамоман қарама-қарши бўлган бу уринишлар, муайян равишда бири-бирига кўмак кўрсатмоқдалар. Масалан, юқорида таъқидланганидек, Ҳизбут-таҳрир ҳаракатининг энг ашаддий ҳимоячилари айнан ғарбий нодавлат ташкилотлари бўлиб чиқмоқда. Бундан ташқари, бошқа давлатлар тарихи шуни кўрсатмоқдаки, *жадал вестернизация* анъанавий жамиятларда айнан акс реакцияни, яъни фундаменталистик ҳаракатларнинг кучайишига олиб келади.

Демократия, сўзсиз, инсоният ривожининг магистрал йўналишидир. Марказий Осиё ҳам бундан истисно эмас. Шу билан бирга, *демократия четдан олиб келинмайди. У фақат жамиятнинг ичидан ўсиб чиқиши мумкин.* Демократияни қўллаб-қувватлаш ниқоби остида ўзга давлатларнинг сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилиш жамиятларда низоларга, кескин конфликтларга олиб келишга ва натижада барқарорликнинг издан чиқиш омили бўлиши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари бир томондан ислом дунёсининг узвий қисми бўлиб, ва, иккинчи томондан, ЕХҲТга аъзо мамлакатлар сифатида дунёвий давлат ҳамда ислом дини, анъанавий жамият ва демократия уйғунлашган равишда ривожланиши мумкинми ё йўқми деган фундаментал муаммо ечимини излашдек ўта мураккаб жараённинг муҳим макони бўлмоқда.

4. *Халқаро гиёҳвандлик бизнеси.* Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва уларни минтақа орқали ташиб ўтиш дунёда энг катта ҳажмни ташкил қилади. Бугун Европада истеъмол қилинадиган барча наркотикларнинг 90 фоизи Афғонистонда ишлаб чиқарилган бўлиб, асосан Марказий Осиё ҳудуди орқали олиб ўтилади. Пировардида, минтақадаги наркобизнес ниҳоятда катта, юзлаб миллиард долларни ўзлаштирадиган индустрия бўлиб келмоқда. Бунинг негизида наркотрафик жуда катта даромад олиши ётади. Агар Афғонистоннинг шимолида 2004 йилда соф героиннинг 1 килограми 1500 АҚШ долларига пулланса, у Остонада 8-12 минг, Москвада 18 минг ва Европада кўтара савдода бир неча юз минг долларни ташкил қилади[1]. Унинг миқдори кейинги йилларда 4 бараварга ошди. Гап эса килограммлар эмас, тонналар ҳақида кетяпти. Таъкидлаб ўтиш жоизки, *наркобизнес заиф давлат функцияси.* Шунинг учун у демократик, ҳуқуқий, кучли давлат қурилишига мумкин қадар қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади.

Мана шу ерда трансмиллий таҳдидларнинг яхлитлик омили пайдо бўлади: *наркобизнес давлатни заифлаштириш учун терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишлари кучайишидан манфаатдор.*

5. *Экологик муаммолар.* Буларнинг ичида энг муҳими, албатта, глобал аҳамиятга эга бўлган *Орол денгизи ҳалокати.* Инсоният тарихида ҳеч қачон бир авлод турмуш даври мобайнида бир бутун денгиз Ер юзидан йўқ бўлиб кетиши қайд этилмаган. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, собиқ денгиз туби саҳрога айланиб, ҳар йили 75 тоннагача қум ва туз шамол билан кўтарилиб 300 км. радиусидаги ҳудудга тарқалмоқда. Бунинг бевосита асоратларини 35 миллион киши бошидан кечирмоқда. Орол ҳалокати натижасида табиат балансининг бузилиши ҳатто узоқ Скандинавияда қайд этилмоқда.

Аммо Марказий Осиёнинг экологик муаммолари фақатгина Орол масаласи билан чекланмайди. Буларнинг ичига собиқ совет давридан қолиб кетган ва энг муҳим сув артерияларига хавфли яқинликда жойлашган 23 *ядро чиқиндилари кўмилмалари* ҳам киради. Бундан ташқари ер танқислиги ва унинг эрозияси, сув муаммолари ҳам инобатга олинмоғи

[1] Информационный бюллетень о наркоситуации: Центральноазиатский регион, ОБСЕ, 2005. - С. 9.

лозим. Буларнинг барчаси нафақат Марказий Осиёнинг барқарор ривожига, балки минтақадан йироқда бўлган ўлкалардаги вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

6. *Геосиёсий рақобат.* Бугунги кунда Марказий Осиё йирик глобал ва минтақавий кучлар манфаатлари доирасига кирмоқда. Агар Афғонистондаги аксилтеррористик операциянинг бошланғич босқичида, минтақага ташқари кучлар томонидан бўлган қизиқиш *non-zero-sum-game*, яъни барча иштирокчилар ҳамкорликдан фойда топа ола билиш имконияти мавжудлигидан келиб чиқган ёндашув ҳавоий гап эмаслигига ишонилган бўлса, ҳозирги кунда тобора бу концепциянинг келажаги борлигига шубҳа билдирилмоқда. Бунинг негизида йирик ташқи кучларнинг Марказий Осиёга нисбатан *манфаатлари айрим пайтларда бири-бирига мос келмаётганлиги ва баъзи пайтларда эса бири-бирига зид келаётганлиги ётади.*

Энг муҳими, бундай қарама-қаршилик Марказий Осиё учун бўлган «*Катта ўйин*»нинг янги версиясини вужудга келтиришини олдини олишдан иборатдир. Минтақа атрофидаги аввалги, XIX аср охиридаги *империалистик* рақобат натижасида Марказий Осиё юз йилдан ортиқ давр мобайнида халқаро ҳаётдан четлаштирилган эди. «Катта ўйин»нинг янги *гегемонистик* варианти янада мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу жумладан, Марказий Осиёдаги геостратегик вазиятнинг кескинлашуви дунёдаги кучлар мувозанатига таъсир кўрсатиб, глобал нобарқарорликнинг омили бўлиш имконияти ҳам мавжуд.

7. *Оммавий қирғин қуроли муаммоси.* Марказий Осиё ҳозирги пайтда тўртта, ва, эҳтимол, келажакда бешта ядро қуролига эга бўлган йирик давлатлар билан чегарадош бўлиб, уларнинг бевосита қуршов ҳалқасида жойлашган. Шу билан биргаликда, минтақа ядровий хом ашёнинг энг йирик манбаларидан биридир. Бу эса, Марказий Осиёни *ядро қуролидан ҳоли ҳудуд* сифатида ривожланишини таъминлаш глобал аҳамиятга эга вазифадир.

8. *Ҳарбий рақобат потециали.* Замонавий Марказий Осиё йирик ҳарбий-сиёсий ташкилот - НАТОнинг изчил фаолияти доирасига айланди. АҚШ ва Европа мамлакатларининг ҳарбий кучлари минтақа инфраструктурасидан интенсив фойдаланмоқдалар. Айни вақтда, Россия ҳам бу ерда ўз ҳарбий имкониятларини мустаҳкамламоқда. *Бу рақобатнинг ҳарбий қарама-қаршиликка айланиш хавфи ҳам мавжуд ва унинг глобал миқёсда ўта салбий оқибатларини олдиндан кўра билиш мушкул иш эмас.*

9. *Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш.* Терроризм уяси йўқ бўлгач, нисбатан барқарорлашган Афғонистонда заиф ва мўрт кучлар мувозанати сақланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам у ерда тинчлик ўрнатиш жараёни ҳали ҳануз долзарблигича қолмоқда. Бу мамлакатда йирик хорижий ҳарбий кучларнинг мавжудлиги албатта тинчликни узил-кесил ўрнатиш учун даркор, лекин, шу билан бирга, бу ички ва минтақавий муҳитда муайян кескинлик келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Юқорида қайд этилган муаммоли омиллар оқибатида Марказий Осиёда *стратегик мавҳумлик* - минтақанинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш истиқболлари хусусида ноаниқлик сақланиб келмоқда.

VI. XXI аср бошида Марказий Осиёда яна бир бор фундаментал ўзгаришлар юз бермоқда. Агар XX асрнинг 90-йилларида бу минтақадаги тектоник силжиш, сиёсий йўқликдан бешта давлатнинг халқаро ҳаётнинг мустақил иштирокчиси сифатида пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган бўлса, бугун биз Марказий Осиё тақдирида янги *бурилиш давр*нинг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Бугун, янги тарихда биринчи бор, *Марказий Осиё жаҳон ҳамжамиятининг изчил диққат марказидан ўрин олди.* Аввал, 90-йиллар мобайнида, Марказий Осиё аҳамияти ҳақида кўп гапирилиб, амалда бу минтақага бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қизиқиш жуда ҳам чекланган ва умумий баённомалардан нари ўтмаган эди. Энди эса асосий глобал ва минтақавий кучлар бу ерда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш борасида интенсив фаолият олиб бормоқдалар. Нуфузли халқаро молиявий ва бошқа ташкилотлар Марказий Осиёга қаратилган махсус дастурларни амалга оширмоқдалар.

Ўтган аср мобайнида Марказий Осиё ва унинг давлатлари асосан ҳалқаро ҳаётнинг *пассив объекти* сифатида иштирок этган бўлсалар, энди улар *актив субъект* сифатида, ўз манфаатларини англаган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Бу айниқса Ўзбекистон томонидан глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда ва аксилтеррор кампаниясидаги иштирокида яққол кўринди.

Марказий Осиё ва унинг атрофидаги сўнгги йилларда рўй берган геосиёсий ва геоиқтисодий ҳодисалар бу ерда янги муҳитни вужудга келтирди. Минтақанинг муаммоларини ечиш ва унинг табиий бойликларидан фойдаланиш, тараққиёти ва модернизацияси учун янги имкониятлар очилмоқда. Масала бу имкониятлардан тўғри ва тўлақонли фойдаланишда бўлиб қолмоқда.

С.Саидолимов,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси докторанти

ХАВФСИЗЛИК БОРАСИДАГИ АЙРИМ КОНЦЕПТУАЛ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришлар натижасида миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг моҳиятини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга эътибор ортиб бормоқда. Бугунги дунёнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик хавфсизлик ҳолати эса «хавфсизлик»ка бўлган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка нисбатан концептуал қарашларни ривожлантиришга ундамоқда. Булар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан - хавфсизликни таъминлашнинг янги тенденцияларини аниқлаш, уларни шакллантирувчи омиллар, шарт-шароитларни ўрганиш;

Иккинчидан - хавфсизлик билан боғлиқ жараёнларнинг муҳим, асосий, доимий, такрорланувчи воқеаларини ажратиб олиш;

Учинчидан - хавфсизликни издан чиқаришга қаратилган муаммолар – терроризм, диний экстремизм, шовинизм, сепаратизмни вужудга келтираётган сабабларни, шарт-шароитларни аниқлаш;

Тўртинчидан - хавфсизликни таъминлаш бўйича мавжуд қарашларни, концепцияларни, доктриналарни ва йўналишларни замонавий халқаро муносабатлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этиш.

Ҳозирги замон хавфсизлик тизимининг ўзига хослиги айнан маълум бир масалаларнинг алоҳида давлатлар томонидан ёки анъанавий усуллар орқали ҳал бўла олмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам хавфсизлик тизимининг самарали шаклланиши ва фаолият олиб бориши «хавфсизлик» назариясини акс эттирувчи концептуал фикрлар, қарашлар, йўналишларнинг ўзаро ўхшашлига ҳамда турли хиллигига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, ҳар бир давлат миллий хавфсизликка бўлган концептуал қарашлари ва йўналишларини тўғри англаб етган ҳолда миллий манфаатларини белгилаши нафақат шу давлат фуқароларининг ҳаёти ва хавфсизилигига, балки бутун дунё хавфсизлигига, унинг ҳолати ва йўналишига таъсир ўтказади. Шунинг учун мавжуд замонавий концептуал йўналишларни ўрганиш ҳар бир давлат ва унинг миллий манфаатлари, мақсадлари ва қадриятлари учун ўта муҳим масала ҳисобланади.

Замонавий шароитларда миллий манфаатларнинг ўрни нафақат пасаймоқда, балки уларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Миллий манфаатларнинг аҳамияти асосан СССРнинг парчаланиши ва унинг ҳудудида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси ҳам киради. Бу жараёнда ҳар бир янги мустақил давлат ўз суверенитетини мустахкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик назарияси борасида тадқиқотлар мустақилликка эришгандан сўнг бошланди. Эски мафкуравий қарашларга қурилган хавфсизлик назариясидан воз кечиш, замонавий хавфсизликнинг барча қирраларини очиб бериш ва уни таъминлашга имкон яратувчи назарияни яратиш асосий масалага айланди. Жамиятда янги бир тизимни яратиш доимо мушкул ва узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Чунки мутлақ янги тизимни яратиш узоқ вақтни талаб этади. Бу соҳада янги замонавий қарашларни шакллантириш, улар асосида қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларни амалга ошириш учун мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда давлат махсус идораларини шакллантириш, уларни керакли кадрлар билан таъминлаш, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давлатнинг устувор вазифасига айланди.

Республикамизда қисқа вақт ичида хавфсизлик соҳасида бир қанча қонунлар ва меъёрий актлар қабул қилинди.Буларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Хавфсизлик ҳақида», «Мудофаа ҳақида», «Милиция тўғрисида», «Хавфсизлик хизмати», «Ёнғин ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг оператив-қидирув фаолияти, давлат сири ҳақида», «Техник ва табиий характердаги фавқулодда ҳодисалардан аҳоли ва ҳудудни ҳимоя қилиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати концепциясининг асосий ҳолатлари», ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича давлат стратегияси» ва бошқа ҳужжатлар киради.

Хавфсизлик тушунчаси «миллий хавфсизлик» сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепциясини тасдиқловчи қонунда ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил август ойида қабул қилинган миллий хавфсизлик Концепцияси Ўзбекистоннинг миллий қадриятлари, манфаатлари ва мақсадларига доир қарашларнинг расмий қабул қилинган тизими, уларни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишнинг тамойиллари, воситалари ва шакллари демакдир. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XXVI бобининг 125-126-моддаларига, халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилган нормалари ва принципларига асосланган ҳолда миллий хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини белгиловчи замин ҳисобланди.

Сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат шаклида ифодаланган концепция шахс,

жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга оширишни таъминловчи, шунингдек, ҳаётий фаолиятнинг турли соҳаларида миллий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун миллий хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

Хавфсизлик борасида Президент И.А.Каримов ўз қарашларининг бир қисмини қуйидагича баён этган ва Ўзбекистон учун унинг кенг маънодаги миллий хавфсизлиги нимани англатишини кўрсатиб ўтган:

Биринчидан, хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-ҳудудсиздир.

Иккинчидан, ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм солмоқда. Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган. Биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз. Евроосиё минтакалари туташган ерда жойлашган бизнинг ҳудудимиздан, бутун минтақа ҳудудидан ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби қудратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди.

Тўртинчидан, минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан ноқонуний савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Бундай ҳодисалар давлат чегараларини тан олмайди.

Бешинчидан, халқаро муносабатлар амалиётида ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз миллий манфаатларига мувофиқ, ўз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсади бўлиши лозим. У ёки бу халқаро тизимларда ва коллектив хавфсизлик шартномаларида қай даражада қатнашишни уларнинг ўзи белгилаш ҳуқуқи берилиши зарур.

Олтинчидан, экологик ва ядровий хавфсизлик муаммолари алоҳида эътиборни талаб қилади[1].

Бу соҳада Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан тавсия этилган "минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари" концептуал фикрлари бугунги дунё хавфсизлик ҳолатини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу фикрларда асосий урғу минтақалардаги можароларга, беқарорликларга қаратилган бўлиб, минтақалардаги хавфсизликни таъминланилиши халқаро хавфсизликни таъминлашга асос бўлиши таъкидланади.

Охирги юз йил давомида хавфсизлик соҳасида иш олиб борган аксарият америкалик олимлар ўзларининг шахс хавфсизлиги борасидаги концепцияларида Дж.Локнинг либерал таълимотини қабул қилганлар. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда Америка Қўшма Штатларининг миллий хавфсизлик концепцияси сўзсиз либерализм асосида қурилган бўлиб, америкаликлар ўз миллий хавфсизлик сиёсатида шахс хавфсизлиги каби олий қадриятни биринчи ўринга қўядилар. Асосий эътибор шахснинг эркинликлари борасидаги ҳуқуқларига қаратилади ва давлат шахс хавфсизлиги ҳимоясига хизмат қилиши зарурлиги таъкидланади.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 11-14б.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги воқеликларга мувофиқ тарзда классик либерализмни сақлаб қолган ҳолда ва унга қисман ўзгартиришлар киритиш орқали, демократик тамойилларга амал қилувчи ғоявий-сиёсий оқим сифатида неолиберализм оқими вужудга келди. Либерал таълимотлар тадрижий – сиёсий-иқтисодий жараёнларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, бу жараёнда давлат томонидан маълум бир бошқарувни қўлга олиш зарурлигига эътибор қилиш билан изоҳланади. Бир вақтнинг ўзида неолиберализм таълимоти давлат тизимидан бюрократизмни чеклашни, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликни талаб қилади. Айни пайтда неолиберализм маълум гуруҳлар қўлида бўлган ҳокимиятнинг бирлашувига тўсқинлик қилувчи, бозор муносабатларини устун қўйишни ўз ичига қамраб олувчи оқим сифатида эътироф этилади.

Баъзи бир либерал мактаблар таълимотида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Хавфсизликнинг бир турини иккинчи турига нисбатан устун қўйилиши, албатта, бир хавфсизлик турини иккинчиси устидан ҳукмронлик қилиш ва уни мутлақлаштиришга олиб келади. Мазкур жараён жамият ва давлатни тоталитар тузумга олиб келиши муқаррар. Кўриниб турибдики, давлат хавфсизлиги - жамият хавфсизлиги каби шахс хавфсизлигини таъминлашда ва ундан тўғри фойдаланганда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс хавфсизлигини таъминлаш охир оқибатда барча ижтимоий воқеликда (давлат, жамият) барқарорлик ва ривожланишга олиб келади. Шунга қарамасдан дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида давлат хавфсизлигига катта эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам бугунги замонавий тараққиёт жараёнида шахс эркинликлари ва ҳуқуқлари уни ҳимоя қилишга масъул бўлган сиёсий ҳокимият яъни давлатга боғлиқ бўлиб бормоқда. Албатта, шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, уни ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг асосий вазифасидир. Бунда давлат алоҳида ваколатларга эга. Аммо бу жараёнда шахс ва жамият манфаатларининг устидан давлат манфаатларини устун қўйилиши шу давлатни давлат сифатида фаолият олиб боришига катта таҳдид солади ва беқарорлик ҳолатини юзага олиб келади. Бунга мисол қилиб биз собиқ совет тузумини келтиришимиз мумкин. Ўша даврда давлат хавфсизлигининг шахс ва жамият хавфсизлиги устидан юқори қўйили-

ши ва хавфсизликнинг ғоялаштирилиши улкан давлатнинг парчаланишига олиб келди. Шунинг учун ҳам замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ривожланган давлатларнинг аксариятида бугунги кунга келиб хавфсизлик тушунчаси ҳар бир фуқаронинг минимал ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш деб эътироф этилади.

Ҳозирги замонавий хавфсизлик концепцияларида биринчи ўринга шахс, жамият, давлат хавфсизлиги эмас балки халқаро хавфсизлик олий қадрият сифатида кўтарилмоқда. Халқаро ҳамжамият назарияси, мондиализм, неомондиализм каби таълимотлар халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги ғояларида асосий урғуни халқаро ташкилотларга қаратганлар. Бироқ XX асрнинг 40-50 йилларида жаҳонда давлат хавфсизлиги халқаро-коллектив хавфсизлик билан мутлақ мос келмаслиги эътироф этилган концептуал фикрлар бўлган. Бу фикрлар асосан америка жамиятининг «сиёсий реализм» мактаби томонидан илгари сурилган. Сиёсий реализм мактабининг асосий манбаларини Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Г.Моргентау ва бошқа олимларнинг асарлари ташкил этди. Ҳозирда эса «сиёсий реализм» мактабининг давомчилари бўлиб Г.Киссинжер, З.Бжезинскийлар ҳисобланадилар.

Сиёсий реализм таълимоти халқаро муносабатларга алоҳида давлатларнинг мустақил сиёсатининг йиғиндиси деб қарайди. Бу жараёнда ҳар бир давлат ўз миллий манфаатлари юзасидан сиёсат олиб бориши таъкидланади. Мазкур фаолият натижасида давлатнинг суверенитети борасидаги ғоялар келиб чиқади[1]. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларнинг таълимоти асосан давлат хавфсизлиги олий қадрият сифатида кўтарилади. Давлат ҳам шахс каби миллий манфаатлар ва қадриятлар юзасидан рационал мақсадларни кўзлаши алоҳида эътироф этилади.

Халқаро муносабатларда ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсат олиб борар экан, реалистлар халқаро муносабатларда миллий манфаатларнинг тўқнашуви муқаррар деган хулосага келадилар. Яъни халқаро муносабатлар майдони бу давлатларнинг алоҳида миллий манфаатларининг тўқнашувдир, деган фикр келиб чиқади. Ўз навбатида улар томонидан жаҳон сиёсати - бу қудратли давлатлар орасидаги кучлар мувозанатининг тизими деб эътироф этилади.

Бугунги кунда ҳам сиёсий реализм тарафдорлари дунё сиёсатида мазкур позицияни қўллаб қувватламоқдалар. Америкалик олим Колин Грей ўзининг «Қудратли давлатларнинг геосиёсати» номли машҳур асарида дунёнинг замонавий ҳолатига геосиёсий қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ёндашади. У дунёда ҳукум сураётган стратегик ҳолатни давлатлар ўзаро манфаатларниинг қарама-қаршилигида деб баҳолайди, яъни «АҚШ бошчилигидаги денгиз давлатларининг иттифоқи» ва континентал давлатлар ўртасидаги дунё ҳукмронлиги учун кураш деб таъкидлайди. АҚШ

[1] Мазкур ғоя 1648 йилда қабул қилинган Вестфаль тинчлик сулҳида бошланиб, янги асрнинг бошларида сиёсий назарияга кириб кела бошлади.

хавфсизлигини таъминлашдаги асосий йўналиш, бу, унинг фикрича, дунёда ўз ҳарбий салоҳиятини ўстириш ва ядро урушига тайёргарлик кўришда деб билади[1].

Ундан ташқари, айтиш лозимки, сиёсий реалистлар ҳар доим ҳам хавфсизликни таъминлашда куч ишлатиш услубларини ҳарбий куч омили билан боғламайдилар. Улар ҳарбий кучдан ташқари, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ахборот ва бошқа омилларни ҳам миллий мақсадларга эришиш воситаси сифатида эътироф этадилар.

Бугунги кунда, сиёсий реалистларнинг (Г.Моргентау, Г.Киссинжер, З.Бжезинский ва бошқалар) илмий тадқиқотларида, стратегик ҳамкорлик шароитидан келиб чиқиб, миллий манфаатларнинг роли борган сари ортиб бормоқда. Миллий манфаатлар давлат ташқи сиёсатининг асосини ташкил этувчи доминант ҳисобланади. Уларнинг асарларида давлатлар хоҳ катта, хоҳ кичик бўлишига қарамасдан универсал хусусиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади. Реалистлар сўнгги даврларда давлатларнинг миллий манфаатлари нафақат ҳокимият учун курашнинг кучайишига, бошқа давлатлар устидан ҳукмронлик қилиш, балки дунё хавфсизлигини таъминлашга ва тараққиётни ривожланишига олиб келиши мумкинлигини тан олмоқдалар. Мазкур ҳолат эса охирги ўн йилликлар ичида **сиёсий реализм** таълимоти ҳам ўзининг эволюцион босқичини ўтаётганлигидан далолат беради.

[1] Gray C. The Geopolitics of Super Power. Lexington. The University of Kentucky Press. 1988.

«Ҳозирги даврда Россия олимлари томонидан миллий ва халқаро хавфсизлик борасида традицион ёндашувларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланмоқда» - деб эътироф этади рус олими А.Возженников[2].

Бу ҳолат эса асосан қуйидаги тўрт омил билан бевосита боғлиқдир:

- СССРнинг парчаланиши ва Варшава шартномаси давлатларининг тўзиб кетиши оқибатида Шарқ ва Ғарб муносабатларидаги танглик вазиятларининг пасайиши;

- тоталитар-ҳарбийлашган давлатларга қарши курашда тинчлик воситаларининг роли ва аҳамиятининг ортиб бориши;

- қудратли давлатларнинг ўз таъсир доирасида жойлашган давлатлар ва минтақалардаги сиёсий ўзгаришлар жараёни устидан назорат олиб бориш қобилиятининг сусайиши;

- учинчи давлатларда ҳукм сурган беқарорлик натижасида «ислом омили»нинг хавфсизликка бўлган таъсирининг ўсиб бориши.

Айтиб ўтилган юқоридаги омиллар «сиёсий реализм» назариясининг асосий йўналишларига маълум бир даражада салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, давлатнинг ички сиёсий жараёнлари ва унинг умумий ҳолати халқаро хавфсизлик билан бўлган муносабатлари қисмига катта ўзгаришлар киритишга мажбур қилди.

Халқаро хавфсизлик борасида замонавий концептуал қарашларда бугунги кунда **халқаро ҳамжамият назарияси** алоҳида ўрин эгал-

[2] Возженников А. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. М., 2000, - 14 стр.

лайди. «Халқаро ҳамжамият» тушунчасининг таҳлили миллий давлатларнинг дунёдаги ўрни ва давлат суверенитетининг истиқболлари борасидаги тасаввурлар билан бевосита боғлиқ. Бу таълимотни қўллаб-қувватловчи биринчи гуруҳ тадқиқотчилар миллий давлатларни хавфсизликнинг асосий субъекти ва халқаро сиёсий ташкилотларнинг асоси сифатида кўриб чиқадилар. Уларнинг таълимотида бошқа қолган хавфсизликнинг субъектлари эса миллий давлатларга нисбатан тобелик хусусиятига эга. Уларнинг тадқиқотларида халқаро ҳамжамият нафақат нотенглик ва боғлиқлик нуқтаи назаридан, балки халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам таснифланади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий хавфсизликнинг барча қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Шунга асосланган ҳолда улар томонидан дунё ҳамжамияти ягона ва бўлинмасдир деган хулоса берилади.

Бу йўналишнинг иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари эса ўзларининг хавфсизлик борасидаги концептуал ғояларида замонавий халқаро муносабатларда давлатнинг ролини пасайтиришга уринадилар. Масалан, англиялик тадқиқотчи Д.Бертоннинг фикрича, бугунги кунда миллий давлатларнинг ўрнини халқаро ҳамжамият белгиламоқда. Бунинг исботида биз халқаро муносабатлардаги илғор суръатлар билан бораётган глобализация ва интеграция жараёнларини кўришимиз мумкин.

Шундан хулоса қилсак, хавфсизликни «давлат марказ» кучлари эмас, аксинча, уларнинг «ўзаро алоқалар»и белгилаб беради. Халқаро ҳамжамият хавфсизлигини эса давлатларнинг ўзаро муносабатлари тўғридан-тўғри аниқлаб бермоқда. Хавфсизлик борасидаги бу каби концепциялар халқаро муносабатлар тизимида давлатларнинг ролини пасайтириш орқали турли хил нодавлат ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни талаб этадилар.

Собиқ СССР ҳудудида ва Россияда узоқ йиллар давомида миллий ва халқаро хавфсизлик муаммолари юзасидан **марксизм таълимоти** ҳукм суриб келган. Бу таълимот **сиёсий реализм** ва **халқаро ҳамжамият таълимоти** назариясидан ўз хусусиятлари билан ажралиб турган. Мазкур таълимот хавфсизликнинг асосий омилларини синфий бирдамлик ва бошқа сиёсий тизимдаги давлатлар билан қарама-қаршилик жараёнлари билан боғлайди. Мисол учун И.Сталин бошчилик қилган даврда давлатнинг ташқи ва ички сиёсати консерватив фикрлаш хусусиятига эга бўлиб, хавфсизликни таъминлашда давлатнинг роли ҳаддан ташқари юқори даражага кўтарилган ва халқаро муносабатлар тизимида куч сиёсатидан фойдаланиш асосий восита сифатида кўрилган.

Шу тариқа халқаро муносабатлар тизимида, давлатлараро алоқаларда танглик вазияти, «совуқ уруш» жараёнлари кечган. Ядровий қарама-қаршилик стратегиясининг фалсафаси Н.С. Хрущев ва Л.И. Брежнев даврида ҳам узоқ вақтларгача хавфсизликни таъминлашда куч омилига асосий урғу берилиб келинган.

Ўша даврларда бир қутб ҳарбий салоҳиятининг ўсиб бориши иккинчи қутбга катта таҳдид ҳисобланган ва иккинчи томон ҳам ўз мудофаа хавфсизлигини таъминлашга интилган. Ҳарбий куч мувозанатини тиклаш мақсадида ўзининг ядровий салоҳиятини ривожлантиришга ҳаракат қилган. Мазкур ҳарбий рақобат натижасида дунёнинг сиёсий майдони қуролланиш пойгасига айланган. Албатта, бу билан бирга ядровий уруш таҳдидининг даражаси ортиб борган.

Замонавий марксистик хавфсизлик концепцияси хавфсизликни умумий ягона тизим сифатида кўриб чиқади ва халқаро муносабатларга, янги ҳодиса ва жараёнларга (замонавий дунёнинг кўп қирралиги; халқаро муносабатлар тизимининг мураккаблашуви; дунё хўжалиги муносабатларининг интеграциялашуви; шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги каби муаммоларнинг глобаллашуви; давлатлараро муносабатларнинг тезкор ривожланиши) реализм нуқтаи назаридан ёндашмоқда.

Бугунги кунга келиб замонавий миллий хавфсизлик концепцияларига традицион ёндашувни йўқотиб бормоқдалар. Халқаро муносабатлар майдонида давлатлар ўз ҳамкорларининг миллий манфаатлари билан ҳисоблашишларига тўғри келмоқда. Акс ҳолда ядровий таҳдид омили минтақавий можароларда, ҳарбий низоларда ва террористларнинг олиб бораётган ҳаракатларида ёвуз қуролга айланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, вақт ўтиши билан миллий хавфсизлик концепциялари эволюцион даврни бошдан кечирмоқда. Мазкур шароитда эса нафақат миллий хавфсизлик, балки миллий манфаатлар ҳам баъзи бир ўзгартиришларга муҳтож бўлиб қолди. Бугунги кунда миллий манфаатлар фақатгина давлат ёки унинг иттифоқчилари шахсий манфаатларининг йиғиндиси бўлмай, шу билан бир қаторда, бутун дунё ҳамжамиятининг манфаатларини ўз ичида акс эттириши ва уларни тўлиқ қамраб олиши зарурлиги маълум бўлди.

Юқоридаги миллий хавфсизлик борасидаги шаклланган ғоя ва қарашларни таҳлил этиш натижасида биз қуйидаги **хулосаларга** келдик:

- Марказий Осиё ва Ўзбекистонда хавфсизлик ва миллий манфаатлар бўйича илмий тадқиқот ишлари ўзининг дастлабки босқичида ва бу йўлда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, замонавий усул ва услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир;

- бу соҳада янги ёндашув ва қарашлар асосида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш зарурияти сезилмоқда;

- хавфсизликнинг миллий манфаатлар соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш пировард натижада ҳар бир давлат, минтақа ва халқаро ҳамжамият учун хавфсизликни таъминлашда ҳам илмий, ҳам назарий, ҳам амалий асос бўлади.

Я. Мухаммедов,
преподаватель УМЭД

УЗБЕКИСТАН – ИРАН: ОТНОШЕНИЯ В НОВЫХ УСЛОВИЯХ

Прежде чем приступить к анализу отношений Ирана и Узбекистана, дадим краткую характеристику особенностей и специфики Центральноазиатского региона, которые, безусловно, в определенной степени влияют на стратегические цели и задачи вовлеченных сюда акторов.

В отличие от других стран, составляющих обширное географическое понятие «Центральная Азия», пять постсоветских республик, несмотря на их индивидуальные различия, объединяет территориальная и лингвистическая близость, прошлое историко-культурное, идеологическое и экономическое пространство. В этом смысле каждая из них является совокупностью общерегиональных и локальных характеристик. Поэтому в целом эти страны представляют собой единый организм, что и позволяет их относить к отдельной подсистеме международных отношений.

Важную роль в плане перспектив экономического и геополитического развития региона играют богатые природные, минерально-сырьевые, в первую очередь углеводородные, ресурсы. Уже сегодня Центральная Азия с ее запасами нефти и газа становится клубком противоречий, обусловленных интересами местных региональных и крупных держав, экономическим и политическим соперничеством на региональном и глобальном уровнях.

Для большинства стран Центральной Азии экспорт природных ресурсов - один из многообещающих экономических рычагов, необходимый в краткосрочной перспективе для осуществления стратегии их развития. Отсюда их активный поиск доноров и партнеров в лице региональных и ведущих держав мира,

Обнаруженные запасы нефти и газа в Центральной Азии могут в дальнейшем превратить эти страны в потенциальных соперников Ирана и других стран Персидского Залива на мировом нефтегазовом рынке.

Однако на данном этапе центральноазиатские республики не в состоянии обеспечивать серьезную конкуренцию в нефтегазовой сфере с Ираном на международных рынках. Более того, сотрудничество с ними в этой области позволило бы преодолеть экономический спад и осуществить экономическую реинтеграцию региона. Для государств Центральной Азии особое значение имеет геостратегическое расположение Ирана, его возможность быть эффективным связующим звеном при выходе на мировые торговые пути и рынки.

Таким образом, Исламская Республика Иран является важным структурообразующим элементом региональной системы международных отношений. Ее значение в развитии региона определяется географической, этнической и культурно-исторической близостью к республикам Центральной Азии.

С иранской точки зрения, внешнеполитические цели страны вытекают из геостратегического и экономического положения страны и нацелены на сохранение территориальной целостности и обеспечение безопасности, благосостояния народа. В то же время они предусматривают продолжение внешней политики, подтверждающей мусульманскую идентичность как нации, действующей в контексте исламских ценностей. По мнению ИРИ, есть три взаимосвязанных вопроса: 1) региональная нестабильность, вызванная распадом двуполярного мира и результатами второй Персидской войны в Заливе; 2) чрезвычайная милитаризация региона; 3) трудности экономики. Экономические проблемы являются наиболее приоритетными, так как от них зависит национальная сплоченность, политическая легитимность и способность мобилизовать массы на достижение других целей[1].

Иран заинтересован в интеграции центральноазиатских республик в региональные и международные экономические структуры, что отвечает интересам восстановления его экономики. С этой целью он готов сотрудничать в области промышленности, энергетики, науки и техники, в сфере торговли и частного бизнеса. Благодаря геостратегическому положению Иран видит себя в роли «ворот» в Центральную Азию и транзитного маршрута нефтегазовых трубопроводов и транспортных путей. Экономические расчеты, проведенные иранскими специалистами, показали, что территория страны является наиболее простым и дешевым транзитным маршрутом для государств Центральной Азии[2].

Геополитические и экономические интересы Ирана требуют расширения его присутствия в республиках Центральной Азии. С его точки зрения годы независимости позволили пяти странам региона - Туркменистану, Казахстану, Узбекистану; Кыргызстану и Таджикистану - понять, что Иран проводит политику добрососедства и ставит перед собой целью установление стабильности и экономическое развитие региона. С другой стороны, считают иранские специалисты, последние изменения во всем мире и в регионе, в частности, события в Афганистане, где на протяжении длительного времени Иран поддерживал Северный Альянс, и процесс национального примирения в Таджикистане наглядно продемонстрировали его роль и значение в Центральной Азии. В ответ на обвинения в распространении радикального ислама со своей территории иранское правительство все это время пыталось убедить других в том, что Иран - «нормальное государство, приверженное международным законам и нормам международного права, скорее, потенциальный партнер, а не угроза» и не собирается экспортировать исламские революционные идеи в регион[3].

Начало антитеррористической кампании в Афганистане подтвердило основной курс Ирана на стабильность и экономическое сотрудничество в Центральной Азии, переориентировав внешнюю политику в пользу усиления акцента на проблемы региональной безопасности.

Одним из главных принципов официальной политики Ирана остается невмешательство во внутренние дела других стран, признание независимости и суверенитета в межгосударственных отношениях.

[1] Shahbi Sohrab. Investment Policy in Iran.// The Irani an Journal of International Affaire. Winter 1996. Vol.VH. №4. Tehrm-Iran. IPIS. P. 764-774.

[2] Бикдели Али-Реза. Положение транзита Исламской Республики Иран и стран Центральной Азии. // Аму-Дарья. Лето 2002. №12. - С.5-29; Hunter Shirin. Central Asia since Independence... - P. 130.

[3] Herzig Edmund. Iran and the Former Soviet South. - London: The Royal Institute of International Affairs. Ruseian and CIS Programme. 1995. - P. 4.

В целом иранская стратегия в Центральной Азии с началом антитеррористической кампании в Афганистане направлена на решение следующих задач:

1. Обеспечение региональной безопасности и стабильности, что предусматривает восстановление мира и полную реконструкцию Афганистана, борьбу с терроризмом, наркобизнесом и организованной преступностью в регионе. Иран, как и прежде, исходит из того, что генеральная политическая линия должна вырабатываться в рамках дальнейшего сотрудничества со странами Центральной Азии в целях достижения взаимовыгодной региональной интеграции. Общие проблемы безопасности, связанные с афганским фактором, стимулируют необходимость дальнейшего сотрудничества, координации действий и сближение позиций по политическим, экономическим и военным проблемам между Ираном и странами Центральной Азии;

2. Региональная экономическая интеграция. С целью реализации своих экономических интересов иранское руководство выдвинуло идею выработки стратегии экономического сотрудничества стран ЭКО, ориентированную на объединение, прежде всего, центральноазиатских государств, соблюдение географического и политического статуса региона и нерушимости границ;

3. Иран стремится стать региональным транспортным узлом и проявляет заметный интерес к возрождению Великого Шелкового пути. Он активно участвует в международных проектах, содействующих региональному развитию, в строительстве современных дорог, в создании железнодорожной и воздушной транспортных сетей вдоль Шелкового пути. Следуя этому курсу, с середины 2003 г. Тегеран провел серию переговоров с лидерами государств Центральной Азии. В результате 18 июня 2003 г. президенты Ирана, Узбекистана и Афганистана подписали трехстороннее Соглашение о развитии международных транспортных перевозок. Одновременно было подписано трехстороннее соглашение о транзите между Ираном, Афганистаном и Таджикистаном.

С историко-культурной точки зрения, Узбекистан также имеет определенное геополитическое значение для Ирана. При этом учитывается геополитическое положение страны в «сердцевине» Центральной Азии, демографический фактор (плотность населения и наличие таджикской диаспоры), что делает республику наиболее важным звеном в выполнении долгосрочных планов постепенного внедрения Тегерана в регион[1]. Не случайно, с иранской точки зрения, Узбекистан - наиболее значительный игрок в создании регионального консенсуса»[2].

Узбекистан представляет интерес с точки зрения транзита в транспортно-коммуникационной сети и энергосистемы трубопроводов в Центральной Азии. Являясь самым густонаселенным из центральноазиатских стран, он может послужить также крупным потенциальным рынком для экспорта иранских товаров.

Взаимный интерес представляет сотрудничество в сфере промышленных объектов и энергопроектов, торговли и частного бизнеса. Возможное участие Узбекистана в проектах по возведению транспортных коммуникаций через территорию Ирана к Персидскому заливу, что отвечает интересам экономической и политической безопасности региона, позволяя стабилизировать в определенной мере соседний Афганистан путем привлечения его в качестве транзитной страны.

В целом направление на Персидский залив, наряду с другими возможными маршрутами, призвано формировать современную систему транспортных коммуникаций, способную обеспечить выход продукции Республики Узбекистан на мировые рынки. Республика стремится использовать как можно больше альтернативных сухопутных коммуникационных выходов к мировым портам через территории соседних стран, что требует активного участия в крупномасштабных проектах на многосторонней основе с участием Ирана.

Транспортные коммуникации считаются одними из основных звеньев экономики. Не секрет, что ограниченная возможность выхода к морским путям создает для Узбекистана определенные трудности. Правда, как отметил Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов[9], в северном направлении имеются транспортные коммуникационные сети. Однако было бы не совсем правильно ограничиваться ими. По инициативе Ислама Каримова разрабатывается проект трансафганского коридора с участием Узбекистана» Афганистана, Ирана, Исламского банка развития и Азиатского банка развития. Он начнется с Термеза и через афганские города Мазари-Шариф и Герат соединится с территорией Ирана. Имеющиеся же в Иране коммуникационные системы дадут возможность выхода к портам Бендер-Аббас и Чорбахор. Таким образом откроется возможность выхода к портам Персидского залива,

Консолидация регионального партнерства означает для Ирана постепенный выход из политической изоляции в регионе, экономический рост и возможность укрепления своей региональной роли, для Узбекистана - ускорение темпов экономической интеграции в международные структуры.

С этой целью на саммите в апреле 2002 г. между главами правительств Узбекистана и Ирана была достигнута договоренность о невмешательстве во внутренние и внешние дела друг друга, подчеркнута необходимость строить свою политику, исходя, прежде всего, из национальных интересов.

Стороны подписали соглашение о строительстве дороги из северо-восточной части Ирана Догарун к городу Термез в Узбекистане и далее на северо-запад Афганистана, шесть совместных документов, включая заявления президентов Республики Узбекистан и Исламской Республики Иран, межправительственные соглашения об избежании двойного налогообложения, меморандум об упрощении визовых процедур, протокол о консультациях и взаимодействиях министерств иностранных дел двух стран.

Разумеется, в Узбекистане учитывают переходный характер иранского политического режима, продолжающуюся конфронтацию консервативного истеблишмента Ирана с Западом с возможными ее последствиями для региона. Все это требует осторожной и гибкой политики в отношении Ирана.

[1] Mohaddesin Mesbani. Islamic Fundamentalism... - P. 78-81.
[2] Mohaddesin Mesbani. Islamic Fundamentalism... -P. 141.

Г.И.Юлдашева,
к. полит. н., доцент

ГЕОПОЛИТИЧЕСКИЕ ИНТЕРЕСЫ АНКАРЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В КОНТЕКСТЕ ИРАНО-АМЕРИКАНСКИХ ПРОТИВОРЕЧИЙ

Актуальность проблемы отношений государств Центральной Азии и Турции с точки зрения глобальной геополитики не вызывает сомнений, что большинством специалистов весьма часто связывается с реализацией США идеи формирования «американизированного» евроатлантического пространства. Следует добавить, что в последние годы существенно возрос интерес к научной разработке данной темы в контексте взаимодействия по линии региональных и глобальных сегментов[1]. Это обусловлено ныне происходящими в мире трансформационными процессами, попытками Вашингтона «застолбить» за собой права ведущего мирового центра силы в долгосрочной перспективе.

В соответствии с «популярной» сегодня так называемой неореалистической парадигмой[2] формируемая США и другими державами стратегическая среда фактически нацелена на принуждение в отношении той или иной региональной подсистемы. В этом ключе не последнюю роль в структуре геополитического окружения Центральноазиатского региона (ЦА) играет взаимодействие турецкого и ирано-американского факторов, по сути означающее борьбу двух соперничающих моделей регионального развития.

* * *

Касаясь присутствия в Центральной Азии двух региональных центров силы - Турции и Ирана, следует подчеркнуть их принадлежность к исламскому миру. Вместе с тем, в отличие от ИРИ, Турция является светским государством, придерживающимся суннитства, в результате чего Анкара считает себя некоей «идеальной моделью» светского исламского государства для ЦА. С точки зрения турецкой стороны, страна обладает стратегическими географическими характеристиками, историко-культурными, религиозными, лингвистическими и иными связями для обозначения своей преимущественной роли в ЦА[1].

Общеизвестно, что в геостратегические планы Турции входит политико-экономическая интеграция с ЦА и «большим Кавказом» в целях укрепления своего «регионального» статуса, влияния на международной арене. Так называемая центральноазиатская стратегия Анкары предусматривает обеспечение доступа турецкого капитала к энергетическим и иным ресурсам региона, контроль над маршрутами каспийских энергоносителей. Инструментом реализации этих задач, как известно, являлся спонсированный США проект трубопровода Баку-Джейхан.

По оценкам турецких экспертов[2], транспортируя энергоресурсы через территорию Турции, центральноазиатские страны диверсифицируют свои транспортные возможности. Турция и сама нуждается в углеводородном сырье, что обусловливает возможность ее превращения в одного из активных потребителей нефти и газа.

Тегеран же рассматривает свою страну в качестве неких «ворот» в ЦА и одного из ключевых нефтегазовых маршрутов. По данным иранских специалистов[3], ИРИ является наиболее оптимальным транзитным маршрутом для государств ЦА.

Вместе с тем, по экспертным оценкам в Турции[4], уже в первые годы независимости в позиции Анкары и стран ЦА обозначились определенные расхождения. Первоначальные контакты в регионе базировались на «концепции неопантюркизма». Сотрудничество в сферах военного сотрудничества и безопасности не вышло за пределы военных учений не функционирующего сегодня Центразбата. Неспособность Анкары обеспечить адекватную потребностям стран региона финансово-экономическую помощь, ее занятость собственными внутриполитическими проблемами и взаимоотношениями с ЕС в целом неблагоприятно отразились на статусе и роли Турции в ЦА[5].

Представляется, что важное значение в процессе укрепления центральноазиатских позиций Турции имеет «афганский» фактор. Принимая во внимание традиционные историко-культурные связи с Афганистаном, а также военное сотрудничество с США по урегулированию афганской проблемы, Анкара предприняла, в частности, следующие меры:

- выразила готовность активизировать свою роль в гражданском примирении;
- выделила на реконструкцию Афганистана 5 млн. долларов США;
- направила в эту страну контингент миротворческих сил;

[1]См., напр.: Regionalism in the Post-Cold War World. Ed. by Stephen C. Calleva. – Malta: Mediterranean Academy of Diplomatic Studies. Ashgate Publishing Ltd. 2000.

[2]См.: Waltz K. Theory of International Politics. – N.Y.: 1979; Buzan B. People, State and Fear: An Agenda for International Security Studies in the Post-Cold War Era. – L.: 1991.

[1] См.: Turkistan Newsletter. 5 March, 2002.

[2] См.: Чотоев Закир. Влияние Турции на развитие государств Центральной Азии./ / Центральная Азия и Кавказ. 2003. № 2(26). - С. 88.

[3] См.: Hunter Shirin. Central Asia since Independence. - Washington, D.C.: The Center for Strategic and International Studies. 1996. - P.130.

[4] См.: Чотоев Закир. Влияние Турции на развитие государств Центральной Азии. - С. 84; Yalsin Resul. The Rebirth of Uzbekistan. Politics, Economy and Society in the Post-Soviet Era. Ithaca Press, 2002. – P. 256 -263.

[5] См.: Turkistan Newsletter. 5 March, 2002.

- предложила собственную модель для политической модернизации Афганистана и т.д.

В то же время наличие в турецкой политэлите вестернизированного крыла явно диссонансирует с консервативно-теократической практикой политического развития Афганистана, склонного больше к восприятию элементов «иранской модели».

Весьма очевидным представляется учет Турцией российского фактора в ЦА и Афганистане. До последнего времени можно было говорить о наличии российско-турецкого соперничества в транспортно-коммуникационных вопросах. Однако, на поверку, суть вопроса имеет более глубинные характеристики. В частности, турецкие политические круги позитивно относятся к распаду биполярного мира, факту функционирования суверенных государств ЦА. С точки зрения Анкары, сближение региона с США и «большой Европой» могло бы минимизировать российское влияние в ЦА, содействовать турецкой модели макрорегиональной «трубопроводной политики», спонсируемой США. Вместе с тем политическое развитие государств ЦА продемонстрировало их решимость выстраивать самостоятельные связи с Западом, исключая российскую либо турецкую помощь.

Достаточно очевидно, что сочетание этих и других политических моментов привели турецкое правительство к переосмыслению своих внешнеполитических приоритетов. По оценкам российских аналитиков, партнерство с США в антитеррористической борьбе оказало влияние на укрепление турецко-ближневосточного сотрудничества. По меньшей мере, эти соображения определили активность Анкары в канун иракской кампании (официальные визиты в Египет, Сирию, Иран, Иорданию и т.д.). Все это, наряду с финансовыми разногласиями и нерешительностью турецкого правительства, привело к напряженности турецко-американских отношений.

Говоря в этом контексте об ирано-турецких связях, подчеркнем, что в последнее время стороны подошли к предельно согласованным действиям в ЦА и евразийской макрорегиональной схеме. Активность Анкары в ЦА обусловлена также интенсификацией ирано-европейских контактов на фоне нарастающих разногласий США-ЕС. Продолжение ирано-американской конфронтации имеет двойственное значение для Анкары:

- с одной стороны, турецкое правительство получает в период действия антииранских санкций шанс укрепить свои позиции в ЦА путем ограничения доступа ИРИ к региональным проектам;

- с другой, растущая переориентация европейского капитала в Иран в обход антииранских санкций значительно сужает поле деятельности турецкого бизнеса, рассчитывающего на инвестиции ЕС, сокращает шансы на самоокупаемость проекта Баку-Джейхан.

В условиях, когда антииранские санкции постепенно утрачивают свое значение, Турция оказалась перед лицом возможной потери центральноазиатских рынков, все больше ориентирующихся на Европу. Это обстоятельство ориентирует Анкару на продолжение тесного сотрудничества с Западом. Со своей стороны, США полностью не отказались от идеи турецкой модели для стран ЦА. Так, специалист по Ближнему Востоку К.Катсман подчеркивает: Баку-Джейхан является реально осуществляемым проектом, и в этой связи роль Турции в регионе будет возрастать. В случае продолжения американо-турецких разногласий по вопросу об урегулировании «иракского вопроса» Анкара рискует потерять эффективный контроль над жизненно важной для своих интересов каспийской зоной. В этой связи эксперты полагают, что сохранение и развитие американо-турецкого партнерства, несомненно, окажет влияние на оформление контуров поствоенного Ирака, развитие Ближнего Востока и стран СНГ[1].

В ответ на развитие новых региональных тенденций и колебания геополитических предпочтений Анкары США актуализируют ближневосто́чную проблематику, задействуя в этих целях ресурсы ЕС. Безусловно, это может существенно изменить региональную геополитическую конфигурацию в интересах Вашингтона[2].

[1] См.: Blank Stephen. The Endangered Alliance: Turco-American Relations and the Caucasus.// Central Asia – Caucasus Analyst. August 13, 2003.

[2] См.: Powell, French Foreign Minister Discuss Mideast Peace, Turkey. United States focused on Palestinian elections rather than possible conference.// U.S. Department of State Office of the Spokesman. December 15, 2004.; Sachs Susan. Europe Invites Turkey to Hold Membership Talks Next October. // AP. December 17, 2004.

В целом ирано-американские противоречия в условиях международной антитеррористической кампании способствуют перегруппировке политических сил в регионе, что, как показывает пример с Турцией, не всегда соответствует американским интересам и потенциально способно привести к формированию условного евразийско-ближневосточного блока.

С учетом известной тактической гибкости США и наличия у них адекватных ресурсов на данном этапе развитие этого сценария маловероятно.

Известную роль при продвижении американо-турецких интересов в ЦА играет трубопровод Баку-Джейхан. Еще в 2001 г. Россия изменила свое негативное отношение к проекту, продекларировав готовность участия в нем. Однако отдельные участники проекта, в т.ч. центральноазиатские страны, продолжают сомневаться в геоэкономической целесообразности маршрута. Как полагают специалисты, к недостаткам проекта относятся его высокая стоимость, нестабильная ситуация в ряде районов прохождения трубопровода. Даже в случае небольшого изменения маршрута главным аргументом против него «являются все более настойчиво высказывающиеся специалистами серьезные сомнения в наличии декларированных Азербайджаном объемов углеводородов. Следовательно, для рентабельности трубопровода будет нужна казахская нефть»[3].

[3] Накашидзе Джемал. Нефть Каспия и международные отношения. // Власть. 2002. № 6. - С. 67.

Наряду с этим, все центральноазиатские страны по соображениям безопасности выступают за многовариантность коммуникационных маршрутов, что могло бы исключить безусловное доминирование одного центра силы в ущерб другому, предупредить создание предпосылок для экономического либо политического давления со стороны ведущей транзитной страны. В этом плане наиболее привлекательным вариантом для ЦА является иранский маршрут. С точки зрения экономических расчетов и интересов безопасности, ИРИ остается одним из наиболее притягательных вариантов. Это обстоятельство, однако, не снимает с повестки дня и турецкий маршрут, призванный стать альтернативой амбициям ИРИ в ЦА.

Анализ ситуации дает основание констатировать, что в настоящее время создаются предпосылки для снижения уровня негласной ирано-турецкой конкуренции в ЦА. Комплекс различных факторов, включая исламский, определяет склонность Анкары оставаться участником ирано-американской дискуссии на стороне Тегерана. В свою очередь партнерство с США играет в стратегии Турции роль противовеса возможным притязаниям Тегерана в ЦА. Очевидно по этой причине Анкара занята поисками сочетания стратегии американо-турецкого сотрудничества в ЦА с интересами ЕС и РФ, с одной стороны, и приемлемого баланса отношений с исламскими странами, с другой. При этом взамен откровенной пантюркистской, этнической и религиозной пропаганды в Турции сегодня все больше приветствуют умеренную модель «мягкого государственного ислама».

Несмотря на определенную степень развития турецко-центральноазиатских отношений, маловероятно, чтобы в кратко- и среднесрочной перспективе роль Анкары в региональных делах существенно активизировалась. По меньшей мере, это связано с отсутствием у Турции ясной центральноазиатской стратегии, ограниченностью своих экономических ресурсов, наличием существенных внутренних проблем.

Б.А. Хўжаев,
и.ф.д., ЖИДУ профессори

МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон умумхўжалик бозорида ўзининг рақобатбардошлик қобилиятини оширишга интилаётган давлатнинг асосий йўналишлари саноат ва ахборот тараққиёти дастурларини амалга ошириш учун сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Бошқача айтганда, саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларини жадаллаштирмай ва ахборот-коммуникация технологиялари тизимини ривожлантирмай туриб, мамлакатнинг рақобатчилик қобилиятини мутлақо ошириб бўлмайди.

Шу муносабат билан мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқишга доир тадқиқотлар соҳасидаги асосий йўналишлар халқаро рейтинг компанияларининг умум қабул қилган талабларига амал қилиши ва муайян корхонанинг, муайян тармоқнинг, сўнгра эса умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини акс эттирувчи асосий таҳлилий макромикроиқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек, мазкур кўрсаткичларни ўзгартиришга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқишга таяниши зарур.Бунга эришиш учун, биринчидан, солиққа тортиш, меҳнат муносабатлари, давлат секторини хусусийлаштириш, молиявий шўъбани эркинлаштириш, транспорт ва ахборот коммуникацияларини, ижтимоий соҳадаги қонунчилик тизимини, иккинчидан, ташқи иқтисодий муносабатларни, ташқи ва ички бозор талабларини тартибга солиш, учинчидан, корхоналарда бошқарув тизимини амалга ошириш зарур.

Тараққиётнинг эришилган даражасидан келиб чиққан ҳолда умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш дастурини аниқ шакллантириш лозим.

Умуман мамлакат ва унинг алоҳида иқтисодий таркибий қисмларининг рақобатбардошлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқишда қуйидаги омилларни эътиборга олиш зарур: мамлакатнинг технологик тараққиётисиз юксак турмуш даражасига эришиш мумкин (масалан, сармоя жамғариш ёрдами билан), бироқ иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини бирдек сақлаб бўлмайди.

Макроиқтисодий ва молиявий ислоҳотлар, шунингдек, хорижий сармоя ёрдамида мамлакат ўз аҳволини яхшилаши мумкин, бироқ микроиқтисодий ислоҳотларсиз унинг тараққиёти барқарор бўлмайди, чунки экспортни ўстириш, ишсизлик даражасини пасайтириш ва иш ҳақини ошириш имконияти бўлмайди.

Халқаро иқтисодий анжуман экспертлари турли иқтисодий тараққиёт даражасидаги мамлакатлар ўртасида рақобатчилик қобилиятини оширишнинг турли манбаларини қидириб топиш мақсадида халқаро рақобатбардошлигига қараб мамлакатларни 3 гуруҳга бўлдилар: даромади паст даражада бўлган мамлакатлар (ЯИМ аҳоли жон бошига 6,8 минг доллардан кам); даромади ўртача даражада бўлган мам-

лакатлар (ЯИМ аҳоли жон бошига 6,8 минг АҚШ долларидан 20 минг АҚШ долларигача) ва даромади юқори даражада бўлган мамлакатлар (ЯИМ 20 минг доллардан ортиқ).

Экспертларнинг фикрича, қуйидагилар даромади паст даражада бўлган мамлакатлар учун рақобатбардошликни ошириш ва арзон ишчи кучига ҳамда табиий ресурсларга асосланган афзалликлардан воз кечишнинг асосий усулларидир:

- компаниялар даражасида – (энг аввало, юқори технологик компанияларнинг) ишлаб чиқариш жараёнини, маркетинг тадқиқотларини яхшилаш, корпоратив стратегияни такомиллаштириш;

- умумиқтисодий даражада – инфратузилма сифатини, шунингдек, электр таъминоти, транспорт тармоғи ва бошқа коммуникациялар сифатини ошириш воситасида амалий муҳитни яхшилаш;

- даромади ўртача бўлган мамлакатлар учун молия бозорида фаолият шароитини яхшилаш рақобатбардошликни кучайтиришнинг энг муҳим омилига айланади. Бу эса қарз ва бозор сармоясини ишга солиш учун муҳимдир. Маҳаллий компаниялар энг яхши хорижий технологияларни ўзлаштириш ва сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир бўлишлари зарур;

- даромади юқори даражада бўлган мамлакатлар учун сифат ва самарадорликни оширишнинг ўзи кифоя қилмайди. Миллий компанияларнинг инновация технологияларини ишлаб чиқиш, ноёб дизайн яратиш ва ўз товарлари ҳамда хизматларини жаҳон бозорида сотиш қобилияти бундай мамлакатлар рақобатбардошлигини ўстиришнинг асосий шартига айланади. Бундай мамлакатларда хорижий технологияларга таяниш салбий омилга айланади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлилик кўрсаткичида барча даражаларда-ги ҳамма бошқарув объектларида сифат натижалари ва ишда сарфланадиган ресурслар ҳажми жамланади. Мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичи – мамлакат тараққиёт даражасининг интеграл кўрсаткичи, бозор муносабатлари етуклилиги индекаторидир. Шу муносабат билан Ўзбекистондаги бу муаммо ҳақида гапириш ҳали эртадир.

Умуман мамлакат ичида рақобатбардошликни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш учун мамлакатнинг рақобатбардошлиги даражасининг халқаро агентликлар томонидан белгиланишига методик ёндашувларни диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Улар томонидан қўлланилаётган кўрсаткичлар ниҳоятда кенг кўламли ва хилма-хилдир. Мамлакат рақобатбардошлиги натижалари рейтинг бўйича турлича бўлиши мумкин. Ўтказилаётган рейтинг баҳоларининг 2та йирик мақсадли бўлимини– кредит рейтинги ва жаҳон бозорида рақобатбардошлик рейтингини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Кредит рейтинги – мамлакатнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўла ҳажмда ва ўз вақтида бажара олиши рейтингидир. Мазкур рейтинг қанчалик юқори бўлса, шунча кўп ҳажмдаги хорижий инвестициялар мамлакатга оқиб келаверади. Бунда кредит рейтингининг сифати хорижий кредит ресурслари қийматида ҳам акс этади – рейтинг нақадар паст бўлса, ресурслар шу қадар қиммат бўлади. Бу жаҳондаги кўпгина йирик мамлакатларда 2005 йил июнь ойида, Ўзбекистонда эса 2006 йил январда кучга кирадиган "Халқаро банк фаолияти тўғрисида янги Базель битими" шартларидан биридир.

Жаҳон бозорида рақобатбардошлик рейтинги мамлакатнинг ВТО (Жаҳон Савдо Ташкилоти - ЖСТ)га қўшиб олинишида долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолашда Менежментни ривожлантириш халқаро институти (International Institute for Management Development, Швейцария) ва Жаҳон иқтисодий форуми Глобаль рақобатбардошлилик дастури, АҚШ (Global Competitiveness Program, USA) иштирок этади. Швейцариянинг Менежментни ривожлантириш халқаро институти (IMD) ҳар йили мамлакатларнинг рақобатбардошлиги бўйича рейтингини тузиш учун уларнинг тараққиётини тадқиқ этишга ихтисослашган бўлиб, 2005 йилда институт рўйхатига 49 мамлакат (ўтган йили – 47) кирди. Мамлакатларни сафлашда ЯИМ ўсиши сингари объектив иқтисодий кўрсаткичлар эътиборга олинади. Тузувчиларнинг вазифаси мамлакатлар ўз тадбиркорларига ички ва ташқи бозорда энг кўп рақобатбардошлик даражасига эришишларида қанчалик кўмаклашаётганликларини кўрсатишдан иборатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда баҳолаш омилларининг қуйидаги рўйхати тузилади:

- иқтисодий фаолият (68 омил) – макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш;

- ҳукумат фаолияти (84 омил) – умумий сиёсат, солиқ сиёсати, инвестициялар муҳофазаси ва ҳ.к.;

- бизнес самарадорлиги (60 омил) – бизнесда рентабеллилик, масъулият, новаторлик даражаси;

- инфратузилма (74 омил) – базавий, технологик, илмий ресурслар ва инсон ресурслари бизнес эҳтиёжларига қай даражада жавоб беради.

Халқаро ташкилотлар, миллий ва хусусий муассасалардан олинган статистик кўрсаткичлардан, шунингдек, таҳлил этилаётган мамлакатлар йирик ва ўрта компанияларининг 3678 нафар раҳбари билан ўтказилган сўров маълумотларидан фойдаланилади.

Анъанавий жаҳон иқтисодий анжумани иккита эллик рейтингни тайёрламоқда: биринчи рейтинг *ўсиш учун рақобатбардошлик индекси* (Growth Competitiveness Index, GCI) негизида, иккинчиси – *бизнес учун рақобатбардошлик индекси* (Business Competitiveness Index, BCI) негизида тузилади.

Ўсиш учун рақобатбардошлик индексидан иқтисодиётнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имкониятларини баҳолаш учун фойдаланилади. Мазкур индекс макроиқтисодий омилларнинг таъсирини белгилайди. Ушбу омиллар аксарият мамлакатларнинг сиёсатчилари ва иқтисодчилари иқтисодий назарияси ва тажрибасига мувофиқ иқтисодиёт тараққиёти учун ниҳоятда муҳимдир. Индексни шакллантиришда қатнашувчи омиллар уч гуруҳда бирлаштирилади:

- макроиқтисодий муҳит сифати;

- жамоат муассасаларининг самарадорлиги;

- технология даражаси.

Профессор Портер томонидан ишлаб чиқилган бизнес учун рақобатбардошлик индекси миллий иқтисодиёт унумдорлиги жорий даражасини белгиловчи макроиқтисодий омилларга баҳо беради. Индексни шакллантириш учун бир неча ўнлаб омиллардан фойдаланилади. Омилларнинг бир қисми компаниялар стратегияси сифатини ва иш самарадорлигини баҳоловчи гуруҳга бирлаштирилади, бошқа бир қисми миллий бизнес – иқлим сифатини баҳолашда ишлатилади.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш концепциясини бозор муносабатлари иқтисодий қонунлари, бошқарувни ташкил этиш, унга илмий ёндашув, бошқарув тамойиллари ва усуллари қонунлари негизида, иш сифатини яхшилашда ялпи иштирок тамойиллари негизида шакллантириш зарур. Рақобатбардошликни кучайтириш миллий ғояга, республика ҳар бир фуқаросининг турмуш услубига айланиши керак.

Қуйидаги омиллар Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича асосий чора-тадбирларга айланиши мумкин:

- рақобатбардошликнинг ҳуқуқий таъминоти тизимини ишлаб чиқиш;

- "Ўзбекистоннинг рақобатбардошлиги" Концепциясини 2015 йилга қадар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- турли объектларнинг рақобатбардошлигини бошқаришга доир методологик материаллар туркумини тайёрлаш ва нашр этиш (молиявий ва бошқарув ходимлари ҳамда бошқа тузилмаларни тайёрлаш миллий фонди доирасида);

- рақобатбардошлик масалалари бўйича умумий таълимни ташкил этиш (биринчи ва иккинчи олий маълумот, малака ошириш курслари, семинарлар ва ҳ.к.).

Ўзбекистонда бир неча йилдан буён ЕТТБнинг BAS (Business Adventure Services) дастури фаол иш юритмоқда. Бу бизнес соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатиш дастури бўлиб, корхонанинг мавжуд ҳолатини ташҳис қилиш ва кейинги тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишга, компанияни қайта ташкил этиш режасини тайёрлашга, ISO бошқарув сифати андозаларини жорий этишга қаратилгандир. Мазкур хизматларга талаб жуда юқори. Менежерлар ўз корхоналари ва маҳсулотлари рақобатбардош бўлишини истайдилар.

Ўзбекистон мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш, мамлакат рақобатбардошлигини кучайтириш миллий ғоясини, биринчи навбатда, Осиё ҳудудида, истиқболда эса бутун дунёда муайян, махсус йўналишларда амалга ошириш учун етарли бўлган илмий-ишлаб чиқариш ва кадрлар қудратига, бой табиий ресурсларига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 25,1 млн. кишидан ортиқ бўлиб, (2002 йил бошидаги ҳолатга кўра), шулардан 37%и шаҳар ва 63%и қишлоқ аҳолисидир.

Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистон ҳам аҳолисининг нисбатан "ёшлиги" ва унинг тузилмасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар улуши юқори эканлиги билан ажралиб туради. Аҳолининг умумий сонида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлган шахслар солиштирма вазни 39%, меҳнатга лаёқатлилар ёшидагилар – 54%ни, меҳнатга лаёқатлилар ёшидан ошганлар – 7%ни ташкил этади.

Ўзбекистон катта ишлаб чиқариш ва минерал хом ашё потенциалига, ноёб қишлоқ хўжалик хом ашёсига, қайта ишлаш жараёнида олинадиган катта ҳажмдаги ним тайёр маҳсулотларга, бой табиий ресурсларга, ривожланган инфратузилмага эга.

Фойдали қазилмаларни қидириш замонавий даражаси нодир, рангли ва ноёб металларнинг бой конларини ўзлаштириш, барча турдаги органик ёқилғи – нефть, табиий газ ва газ конденсати, қўнғир ва писта кўмир, ёнилғи сланецлар, уран конларини ўзлаштириш, қурилиш материаллари учун кўплаб хомашё турларини қазиб олиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал хом ашёнинг салкам 100 турини ўзида мужассамлаштирган фойдали қазилмалар кенг мажмуаси топилган бўлиб, шулардан 60 тури ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалигида ишлатилмоқда. Ўзбекистон олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфорит, каолин каби фойдали қазилмаларнинг тасдиқланган захиралари бўйича МДҲдагина эмас, балки бутун дунёда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Масалан, олтин захиралари бўйича республика дунёда тўртинчи ўринни, уни қазиб олиш даражаси бўйича эса еттинчи ўринни, мис захиралари бўйича – ўнинчи – ўн биринчи ўринларни, уран заҳиралари бўйича – еттинчи – саккизинчи ўринни, уни қазиб олиш бўйича эса ўн биринчи – ўн иккинчи ўринларни эгаллайди.

Минерал хом ашёнинг мавжуд захираси ишлаб турган кон қазиш мажмуаларини узоқ вақт таъминлаш билан бирга қувватларни ошириш, бир қанча муҳим фойдали қазилмалар – олтин, уран, мис, қўрғошин, кумуш, литий, фосфорит, калий тузи, рангсиз плавикли шпат, волластонит, агрохимия рудаси ва бошқаларни қазиб олишни янгидан ташкил этиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ўрта Осиёда йирик илмий марказ бўлиб, ривожланган тадқиқот моддий базасига, катта илмий фондига, илмий ишлари бутун дунёда эътироф этилган малакали илмий ходимларга эга. Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуаси ўзида 362та илмий-академик, олий таълим ва тармоқ йўналишидаги муассасани мужассамлаштирган.

Давлат бюджетидан таълим-тарбия учун ҳаражатлар улуши барқарор равишда ўсиб бормоқда. 2004 йилда ана шу мақсадлар учун 753,36 млрд. сўм ёки барча бюджет ҳаражатларининг 20,4%и ёки ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган ҳаражатларнинг 57,7%и миқдорида маблағ сарфланган.

Ишлаб чиқариш ва экспорт тузилмасида хом ашё товарлари ва чала тайёр маҳсулотларнинг (мис, рух, вольфрам, молибден, ўғит, калава, газлама, қуруқ мевалар) улушигина эмас, балки юксак технология маҳсулотларининг айрим турлари (автомобиллар, авиация техникаси, кимёвий толалар ва ҳ.к.) улуши кўпаймоқда.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқли, доимо кенгайиб ва модернизациялашиб бораётган инфратузилмаси – Ўрта Осиёда темир йўллар, автомобиль йўлларининг, телефон алоқаси, биржалар, банк-молия муассасалари ва бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқа муассасаларнинг ниҳоятда зич тармоғи яратилган.

Республикада макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланиб бораётганлиги кузатилмоқда, бу ЯИМ ўсишининг ижобий суръатларида (7,7%), иқтисодиётнинг эркинлаштирилишида намоён бўлмоқда. Айни пайтда бюджет камомади (3,4%), инфляция (3,8%) кўрсаткичлари иқтисодий ўзгаришларни амалга ошираётган мамлакатлар даражасига бугунлай мос келади. Бу эса хорижий инвестицияларни Ўзбекистонга кенг кўламда жалб этиш учун қулай шароитларни яратади.

Хорижий банкларда сақланаётган йирик олтин-валюта захиралари (1,2 млрд. АҚШ долларидан ортиқ суммада) хорижий инвесторларда Ўзбекистоннинг молиявий қудратига ишонч бахш этади.

Товарлар ва хизматлар ички бозорининг потенциали катта бўлиб (26 млн.дан ортиқ киши), аҳолининг харид қилиш қобилияти ўсишига қараб ички бозорда, шу жумладан, хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларни ўзлаштириш ҳажмлари ҳам ортиб боради.

Ўрта Осиёда энг қулай стратегик ҳолат хорижий инвесторларга ўз фаолиятини республикамиздагина эмас, балки унинг қўшнилари ҳудудида ҳам юритишни мўлжаллашга имкон беради.

Хорижий тадбиркорлик тузилмаларига берилган ва уларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантирувчи имтиёзлар ва преференцияларнинг катта рўйхати қабул қилинган. Хусусан, бу соҳада қабул қилинган охирги қонун ҳужжатларидан бири республика Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Хусусий хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидир. Мазкур Фармонга кўра ана шундай инвестицияларни жалб этувчи корхоналар жалб этилаётган инвестицияларнинг ҳажмидан қатъий назар, даромад, мулк солиғидан, инфратузилмани ривожлантириш, экология солиғидан, умумий солиқдан, республика йўл жамғармасига мажбурий чегирмалардан 3 йилдан 7 йилгача озод этиладилар.

Халқаро валюта фонди 2004 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни баҳолаш юзасидан 2005 йил 16 майдаги маърузасида қуйидагиларни асосий ижобий тенденциялар деб атади:

- конвертацияланишнинг жорий этилиши ва самарали ишлаши;

- пул-кредит тизимининг мустаҳкамланиши;

- айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлаштирилиши;

- бюджет интизомининг мустаҳкамланиши, ягона ғазначилик тизимининг жорий этилиши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилиши.

Шунингдек, Президентнинг Марказий Осиё умумий бозорини яратиш тўғрисидаги ташаббуси юқори баҳоланди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон индустриал сиёсати концепциясини қуйидаги тарзда тасаввур қилиш мумкин.

Хорижий инвестициялар ва ички жамғармалар даражаси юқори бўлган очиқ бозор иқтисодиётига асосланадиган иқтисодий ўсиш мамлакатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Бунда ана шу узоқ муддатга мўлжалланган устуворликка эришишнинг энг муҳим шарти саноат ўсишини таъминлашдан иборатдир.

Индустриал сиёсат деганда жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш, халқаро рақобатни ўстириш ва ҳудудий интеграция жараёнини кучайтириш шароитида самарали фаолият юритишга қодир замонавий саноатни яратиш ва ривожлантириш учун давлат томонидан қўлланиладиган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Индустриал сиёсатнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифаси қайта ишлаш саноатининг мамлакат тармоқларини жадал ривожлантириш ва энг кўп қўшилган қийматга эга бўлган янги илмий юксак технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш воситасида бу тармоқларнинг экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш йўли билан республиканинг импорт товарларга қарамлигини режали тарзда камайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлик концепциясида макроиқтисодий, ҳудудий, тармоқ ва молиявий тусдаги саноат муаммолари кўрсатилган бўлиши керак. Қуйидагилар ана шундай муаммолардан муҳимларидир:

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кескин табақалашувини юзага келтирган, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда ҳудудий номутаносиблик;

- саноат ишлаб чиқариши тузилмасида хом ашё тармоқлари маҳсулотининг кўплиги, бу эса иқтисодиётнинг хом ашё товарлари (нефть, металл ва ҳ.к.)га белгиланган жаҳон нархлари коньюнктурасига ниҳоятда қарамлиги туфайли иқтисодиёт самарадорлигининг паст бўлишига олиб келади;

- маҳсулотни қазиб олишдан тортиб юксак даражадаги тайёр товарлар чиқаришдан иборат тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга интеграцияланган мажмуаларнинг йўқлиги;

- асосий фондлар емирилиши даражасининг юқорилиги, айрим тармоқларда бу кўрсаткич 60-70%га етиши ва оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, нархи ва бошқа ўлчамлари бўйича рақобатбардошлигининг пасайиши, ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳаражатларининг катталиги;

- мослашувчан технологияларга эга бўлмаган ва бозор коньюнктураси ўзгарган чоғда тез мослаша олмайдиган йирик саноат корхоналарининг кўплиги ва уларнинг қувватларини тўлиқ ишлатиш даражаси пастлиги (20-50%);

- инвестицион фаолликнинг сустлиги, бунинг натижасида самарали молиялаш дастурлари йўқлиги туфайли корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига кам маблағ сарфлаши.

Бундан ташқари саноат ривожланишини чекловчи омиллардан бири аҳоли тўлов қобилиятининг пастлигидир.

Саноат сиёсатининг мақсади саноатнинг барқарор ривожлантирилишини таъминлашдан, ички ва ташқи бозорнинг рақобатбардош маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондира оладиган энг кўп даражада мутаносиблаштирилган саноат мажмуасини яратишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитларида индустриал сиёсатнинг амалга оширилиши мавжуд сотув бозорларини кенгайтириш ва янгиларини яратишга, ташкилотларнинг даромадлилигини оширишга ва аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтаришга кўмаклашади.

Қуйидагиларни индустриал сиёсатнинг асосий вазифалари жумласига киритиш мумкин:

- тадбиркорликнинг барча субъектлари фаоллигини ошириш, индустриал бозорлар инфратузилмасини қарор топтириш ва ривожлантириш, саноатнинг жаҳон товар бозорларида коньюнктура ўзгаришларига бардошлилигини ошириш учун иқтисодий, институционал, ҳуқуқий ва қонунчилик муҳитини шакллантириш;

- аҳолининг тўлов қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

- сармояни, шу жумладан, аҳоли жамғармаларини иқтисодиётнинг молиявий шўъбасидан реал шўъбасига йўналтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- фан-техника соҳаси билан ишлаб чиқариш интеграциясини, фаннинг тижорат йўлига қўйилишини, илғор технологиялар ва илмий ёндашувларни талаб қиладиган янги ишлаб чиқаришларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш, юксак малакали муҳандис-техник саноат ходимлари тайёрланишига кўмаклашиш;

- халқаро андозалар билан уйғунлаштирилган андозаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш эвазига, 9000 ва 14000 туркумидаги халқаро андозаларга мос келадиган сифат тизимини жорий этиш ва экология мониторинги, ресурсларни тежаш чора-тадбирларини амалга ошириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини кучайтириш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси, кенг диапазонли осма ва тиркама ускуналар, уларга эҳтиёт қисмларни, нефть, газ, кон-металлургия, электр энергетика ва транспорт мажмуалари учун машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш;

- қурилиш материаллари ва механизмларнинг замонавий турларини ишлаб чиқарувчи қувватларни ривожлантириш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, электр техника ва бошқа ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари турларини кўпайтириш.

Устувор йўналишларни белгилашнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, мададга муҳтож бўлган кўпгина корхоналардан энг муҳимларини жадал ўсиш шароитларини яратиш учун ажратиб олиш зарур. Жаҳон амалиётида бу муҳим ва масъулиятли тадбир деб ҳисобланади.

Тармоқлараро, тармоқлар ичидаги ва макроиқтисодий мутаносибликлар ўзгаришидан иборат бўлган тузилмавий силжишлар қуйидагиларга қаратилган:

- ишлов бериш саноати маҳсулотлари улушини кўпайтириш эвазига иқтисодиёт хом ашё шўъбасининг солиштирма вазнини камайтириш;

- ишлаб чиқаришни, шу жумладан, техника-технология ишлаб чиқаришини модернизациялаш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш;

- табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни кучайтириш;

- республиканинг экспорт салоҳияти даражасини маҳсулотнинг илмфанга асосланган юксак технологик турларини ишлаб чиқариш эвазига ошириш;

- инновация фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга кўмаклашиш.

Инновация сиёсати саноатнинг муайян тармоқларини ва жаҳон даражасидаги технологик ишланмалар ишлаб чиқаришларини жадал ўзлаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Маҳсулот самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш учун уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари зарур. Булар:

- рақобатчилик ва рақобатбардошлик соҳасидаги тизимли тадқиқотларни ташкил этишга доир чора-тадбирлар;

- реал алмашув курси мониторинги, унинг мақбул даражасини шакллантириш, курснинг қисқа давр ичида кескин ўзгаришига йўл қўймаслик;

- корхоналарни бошқаришнинг корпоратив шаклларини янада ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш технология ва техника даражасини ошириш мақсадида хорижий инвесторларни айрим товарларни ишлаб чиқаришга жалб этиш;

- ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан оралиқ товарлари ва бутловчи қисмларни Россиядан ва МДҲнинг бошқа давлатларидан етказиб берилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган машинасозлик тармоқларида қўшма корхоналарни кооперациялаш ва тузиш.

Ички рақобатчилик бозорини яратиш халқаро сифат андозаларига ўтишни ва савдода техник ғовларни бартараф этишни талаб қилади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- халқаро сифат андозалари ва товарлар экологик хавфсизлигининг тартибга солиб турувчи функцияларини қонун билан мустаҳкамлаш;

- экспорт қилувчи корхоналар маҳсулотлари учун халқаро андозалар бўйича сифат тизимларининг мажбурий сертификацияланишини жорий этиш;

- сифат тизимлари ва экологик менежмент аудитининг халқаро андозаларига ўтиш;

- ИСО халқаро андозалар талабларига мувофиқ сифатни таъминлаш соҳасидаги билимларга эга бўлган ходимлар тайёрлашни ташкил этишга кўмаклашиш, саноат тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ишлаб чиқишда методик ёрдам кўрсатиш.

Иқтисодиёт реал шўъбасининг барча иштирокчилари учун иқтисодий эркинлик даражаси ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги қуйидаги йўналишларда оширилиши керак:

- бозор фаолиятида иштирок этиш учун юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш процедурасини соддалаштириш ва лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатини қисқартириш;

- маҳаллий товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида маҳсулотга нисбатан камситувчи технологик ва конструкцион талабларни белгиловчи техник ғовларнинг бартараф этилиши;

- арбитраж бошқарув соҳасини такомиллаштириш;

- инвестиция ҳужжатларини (экспертизаларни) келишиб олиш процедураларини такомиллаштириш ва соддалаштириш;

- назорат ва тартибга солиш идоралари томонидан ўтказиладиган корхоналар фаолияти текширувларининг такрорланиши амалиётини тугатиш.

Ўзбекистоннинг ривожланиш, рақобатбардошлик даражаси ва бошқа таърифлари билан ажралиб турадиган тармоқлари ва ишлаб чиқаришларнинг уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- биринчиси – экспорт қилишга мўлжалланган хом ашё ишлаб чиқарувчи тармоқлар;

- иккинчиси – катта илмий-техника салоҳиятига эга бўлган, нисбатан қисқа муддат ичида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва ташқи бозорга чиқаришга қодир тармоқлар;

учинчиси – саноатнинг қисқа муддатларда ташқи бозорга чиқишга қодир бўлмаган, аммо ички бозорнинг муайян улушини тўлдириш имкониятига эга бўлган ривожланмаган тармоқлар.

Саноат сиёсатини амалга оширишда тармоқлар ва корхоналарнинг ажратилган гуруҳларига нисбатан табақалашган ёндашув қўлланилиши зарур.

Тармоқларнинг биринчи гуруҳи (нефть, газ, кон-металлургия корхоналари) учун давлатнинг тўғридан-тўғри молиявий иштирокисиз жаҳон бозорида мустаҳкамланиб олишларида уларга шарт-шароит яратиш зарур.

Иккинчи гуруҳ тармоқлари ва ишлаб чиқаришлари (машинасозлик ва электротехника, космик ва атом саноати, қуролланиш ва ҳарбий техника, кимё, нефть кимёси саноатлари ва бошқалар)ни ривожлантириш жараёни ўткир рақобатчилик шароитида ўтиши керак; мазкур гуруҳга мўлжалланган хорижий инвестициялар эса асосан йирик халқаро корпорациялар вакиллари бўлган хорижий рақобатчиларнинг манфаатларини акс эттирувчи сиёсий мақсадлар йўлида амалга оширилади.

Ушбу гуруҳ учун муайян, шу жумладан, давлат инвестициялари ва субсидиялари талаб этилади. Пайти келиб қўллаб-қувватлаш чоралари, энг аввало, талабни шакллантириш учун шароит яратиш воситасида, шу жумладан, ташқи бозорда маҳсулот сотилишини ташкил этиш билан бирга давлат буюртмалари ва сиёсий қўллаб-қувватлаш, давлат кафолатларини, қатор ҳолларда эса – маҳаллий юксак технологик маҳсулотларни харид қилиш учун халқаро кредитлар билан боғлиқ бўлган давлат кафолатларини бериш йўли билан ўзгариб боради.

Шундай қилиб, мазкур гуруҳ тармоқлари учун индустриал сиёсатнинг асосий воситалари – инвестициялар, харидлар ва субсидиялар, экспорт кредитларидир. Бунда мазкур гуруҳ корхоналарига давлат даражасида сиёсий ёрдам кўрсатиш муҳимдир.

Учинчи гуруҳ ишлаб чиқаришлари ва тармоқларига (автомобиль саноати, транспорт, йўл машинасозлиги, мебель ва полиграфия саноати, қурилиш саноати, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари) нисбатан, биринчи навбатда, уларнинг маҳсулотларига ташқи ва ички бозор талабларини рағбатлантиришга қаратилган чоралар қўлланиши зарур. Бунда арзон ишчи кучига таяниб, илгари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мазкур тармоқлар учун индустриал сиёсатнинг асосий усуллари – ижозат берилган халқаро меъёрлар доирасида ва мақбул сифат андозаларига ва ҳаражатлар даражасига эришиш учун зарур бўлган давр мобайнида изчиллик билан камайтириб бориладиган ҳимоя чораларидан фойдаланишдан, импорт қилинаётган маҳсулотларни сертификатлашдан, шунингдек, тарифли ва тарифсиз тартибга солишнинг умумий эътироф этилган усулларидан иборат.

Индустриал сиёсатни амалга ошириш механизмлари ҳал этилаётган вазифалар ва ўртага қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тармоқлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар учун давлат томонидан белгиланадиган бевосита ва билвосита тартибга солиш тизимидан иборатдир.

Ташкилотларга (айниқса, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш саноатининг бошқа тармоқларида) кўмаклашиш, саноат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун давлат мувофиқлаштириш муассасаларини шакллантириш, тармоқ ва ҳудудий ўзаро ҳамкорликнинг ассоциатив шаклларини ривожлантириш, ихтисослашган консалтинг марказларини яратиш зарур.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ишлаб чиқариш ва тижорат билан шуғулланувчи, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган корпорацияларни шакллантиришда давлат кўмаги энг муҳим масалалардан биридир. Улар юксак технологиялар ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришларни кенг жорий этиш негизида саноатнинг инновацион тараққиётини рағбатлантириш моделлари ва механизмларига эга бўлишлари керак.

Янги технологиялар жорий этишга, халқаро андозалар талабларига мос келадиган сифат андозалари, экология андозаларини, инновация дастурларини жорий этишга, фан шаҳарчалари, академик шаҳарчалар ва университет марказлари негизида фанни ривожлантиришга кўмаклашувчи солиқ, божхона, кредитни тартибга солиш чоралари саноатнинг инновацион тараққиётини рағбатлантириш механизмлари бўлиши мумкин. Рўйхатга олиш, рухсатнома бериш ва назорат қилишга доир кўпгина функциялар марказ билан бирга ҳудудларга ёки мутлақо ҳудудларга ўтиши керак.

Индустриал сиёсатни амалга ошириш асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

- фоиз ставкалари даражасини тартибга солиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг тарифли ва тарифсиз усуллари;
- халқаро андозалар бўйича ишлаб чиқаришни сертификатлашни ва сифат назоратини ривожлантириш;
- корпоратив тузилмаларнинг қарор топиши ва шаклланишига ҳуқуқий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш;
- давлат харидларини, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига давлат буюртмаларини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш инфратузилмалари тараққиётини молиялаш;
- маҳаллий товарларнинг ташқи бозордаги ҳаракатига кўмаклашиш (асосан сиёсий кўмаклашиш);
- табиий монополиялар субъектлари ва хўжалик субъектларининг товар бозорларида устун ўринни эгаллаб турувчи хизматлари, ишлари тарифлари (нархлари)ни шакллантириш учун ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига риоя этган ҳолда ҳуқуқий ва меъёрий-методологик асосларни такомиллаштириш;
- ҳалол савдо амалиёти мисолларини оператив таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш учун бизнес билан тикловчи алоқа тизимини ривожлантириш;
- юксак самарали технологиялар ва ускуналар жорий этилишини рағбатлантириш;
- экспортни ривожлантириш учун истиқболли мамлакатларда Ўзбекистоннинг савдо ваколатхоналарини яратиш;
- корхоналарга шартномаларни тузишда ва хорижий мамлакатларнинг давлат харидлари бозорига йўл очишда кўмаклашиш;
- экспорт ва бошқа операцияларнинг кредитланиши ва суғурталанишини таъминловчи молиявий муассасаларни ривожлантириш;
- ЖСТга кириш учун тайёргарлик.

Индустриал сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлашнинг ҳуқуқий шартларига, шунингдек, мулкчилик ҳуқуқини ҳимоялаш, шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш ва компания ҳамда ташкилотлар фаолиятининг ахборот шаффофлигини киритиш мумкин.

Муаммонинг ниҳоятда долзарблигига қарамай, Ўзбекистонда рақобатбардошлик масалалари ҳали етарлича тадқиқ этилмаяпти. Бизнинг фикримизча, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш концепциясини мазкур босқичда Ўзбекистон Республикасининг стратегик муҳим тузилмалари шакллантириши керак. Ушбу тузилмаларнинг концепцияларида тегишли объектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилиши зарур.

Р.Каримов,
и.ф.д., профессор

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧ ТАРМОҚЛАРИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги таркибий сиёсат иқтисодий ислоҳотларнинг миллий модели принциплари асосида амалга оширилди ва энг аввало юртимизнинг иқтисодий мустақиллигини, хусусан, энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга, шунингдек, бой минерал хомашё манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қазиб олиш ва тайёрлаш саноатининг стратегик муҳим тармоқларини устун даражада ривожлантиришга қаратилди. Макроиқтисодий барқарорлик чигаллашган ва мураккаблашган, молия ресурслари ғоят чекланган бир шароитда давлат тармоқлардаги таркибий ўзгаришларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Бунда, даставвал, иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, яъни - нефть ва газ саноатини, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургия тармоқларини, автомобилсозлик, самолётсозлик, электроника, кимё ва нефть-кимё саноатини жадал суръатларда ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Бундай йўл тўғрилигини ҳаётнинг ўзи рўй-рост кўрсатди. Мустақиллик йиллари мобайнида мингдан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлигини айтиш кифоя.

Ўзбекистонда саноат бобида олиб борилаётган сиёсат, аввало, мамлакат иқтисодиётининг хом ашёга йўналтирилганлик тамойилини бартараф этишга қаратилди, қолаверса, ўтган йиллар мобайнида корхоналарни имкон қадар маҳаллий хомашё ресурслари асосида ишлашга ўтказишга таянувчи жиддий таркибий ўзгаришлар қилинди.

Маълумки, шўролар даврида Ўзбекистон жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган, аммо анчагина қиммат тайёр маҳсулотлар ҳамда мураккаб технологик ускуналар ўтказиладиган улкан бозорга айланиб қолган эди. Диёримизга тайёр маҳсулот, техника ва технологиялар СССР Давлат план қўмитаси деб аталмиш валломат идора томонидан тақсимланадиган лимитлар асосида бошқа республикалардан, асосан Россия, Белоруссия ва Украинадан олиб келинарди.

Бунинг устига ўша кезлари Ўзбекистон саноатининг кўпгина тармоқлари тугалланмаган технологик туркумларга боғлиқ қилиб

қўйилган ва бу туркумларнинг ҳаммаси хомашёни қазиб олиш, дастлабки ишлов бериш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ҳозирлаш босқичида атайин узиб ёки кесиб қўйиларди. Бу ҳам етмагандек, иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини ривожлантириш комплекс тарзда эмас, балки Россиядаги ва бошқа собиқ шўро республикаларидаги ишлаб чиқаришларга тамоман боғланган ҳолда амалга оширилишга мустаҳиқ этилганди.

Ўзбекистонда кўпгина ишлаб чиқаришлар бўйича, хусусан, кимё ва металлургия тармоқларида, машинасозлик, аграр саноат комплексида, енгил ва озиқ-овқат, бинокорлик материаллари саноатларида тармоқлараро ва тармоқ кооперациясининг ҳамда меҳнат тақсимотининг республика ички тизими йўқ эди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши жуда оз эди. Бизда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологиялар йўқ эди, деса бўлади.

Собиқ Иттифоқ таркибида ҳудудларнинг яхлитлиги эса транспорт коммуникацияларини иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегараларга риоя этмаган ҳолда қуришни тақозо қиларди. Натижада Ўзбекистонда, масалан, жанубий вилоятлар бошқа вилоятлар билан транспорт-иқтисодий алоқаларни Туркманистон ҳудуди орқали амалга ошириб келди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ҳам бошқа вилоятларимиз билан транспорт алоқалари Туркманистон ҳудуди орқали амалга ошириларди. Фарғона водийси вилоятлари эса бошқа вилоятлар билан шу тарздаги мулоқотни Тожикистон ҳудуди орқали амалга оширишга мажбур эди. Иттифоқ аҳамиятига молик Тошкент - Термиз автомобил йўли Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари ҳудудидан (Ержар - Жеттисой) ўтарди. Республика амалда жанубий йўналиш орқали четга чиқиш имкониятига эга эмасди.

Юқорида айтиб ўтилган мутаносибсизлик кўпгина қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқаришига ўз таъсирини ўтказиб, баъзан самарадорлик пасайишига сабаб бўларди. Оқибатда республика бюджетига тушум камайиб, Иттифоқ бюджетидан муттасил дотация олишга тўғри келарди. Шу билан бирга республикалараро товар айланишида ҳам салбий қолдиқ (сальдо) аримасди.

Мустақилликка эришилганидан кейин Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши саноатдаги тегишли сиёсат орқали иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар қилишни қатъиян тақозо этди. Зотан, Ўзбекистон Республикаси аслида ана шу муаммоларни ўзи мустақил тарзда ҳал этишини таъминлайдиган ғоят қулай табиий-иқтисодий салоҳиятга эга. Ерсув ва агро-иқлим ресурслари ҳам бор. Улар суғориладиган 3,7 миллион гектар ерда хилма-хил қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек, иссиқлик ва электр энергиясини тежаш, рекреация объектларини ривожлантириш имконини беради. Минерал ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг кўпгина турлари бўйича каттагина саноат заҳиралари мавжуд: мамлакатнинг бу борадаги салоҳияти 3,3 триллион, шу жумладан, қидириб топилган ва аниқланган заҳиралари 1 триллион АҚШ доллари билан баҳоланади. Ўзбекистон нисбатан ривож топган ишлаб чиқариш инфратузилмасига, арзон ва юқори малакали ишчи кучига эга бўлиб, илмий салоҳияти ҳам анчагина салмоқлидир.

Бой тарихга ҳамда тарихий меросга эга бўлган Ўзбекистонда мусулмон тарихи ва меъморчилигининг бутун жаҳонга машҳур обидалари мужассам ва улар туризмни ривожлантириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этиб ўтилган минерал ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг бой захиралари эса металлургия, кимё ва нефть-кимё саноатини ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши омиллар яратади. Илгариги хўжалик юритишдан мерос бўлиб ўтган оғир экологик оқибатларни бартараф этиш ҳамда атроф табиий муҳит хавфсизлигини сақлаб туриш зарурати эса ифлослантирувчи моддаларни чиқариб (оқизиб) ташлашнинг йўл қўйиладиган нормаларига қатъий риоя этишни, камчиқит ва чиқитсиз технологияларни жорий этишни талаб қилади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат олдида турган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш йўлини тутди. Шуниси ҳам борки, ҳар бир босқич давлат олдига ҳар хил муаммолар ва вазифаларни кўндаланг қўяр экан, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, "Ислоҳотларни амалга оширишда унинг босқичлари изчил бўлиши муваффақият гаровидир"[1].

Бозор ислоҳотларининг биринчи босқичида (1992-1994 йиллар) асосий эътибор молиявий барқарорликнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга, давлат бошқаруви тизимини қайта қуриш ва корхоналар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилди. Ўша даврда мамлакатимизнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчилари давлатнинг тўла эътиборида бўлди. Ўн йиллар мобайнида қарор топган ва амал қилиб келинган иқтисодий алоқалар узилиб, беқарорлик бошланган бир шароитда уларни давлат ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Мустақиллик эпкинидан баҳра олган янгича ўзгаришлар замирида давлат мулкини хусусийлаштиришга киришилди, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш сари қатъий қадамлар қўйилди.

Маълумки, собиқ шўро Иттифоқи таркибида Ўзбекистон жаҳон бозорида амалда мустақил иш олиб бориш имкониятига эга эмасди. Худди шу боис истиқлолдан кейин мамлакатнинг ташқи иқтисодий мажмуини шакллантириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг тамомила янги

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: "Ўзбекистон", 1998. - 183-б.

механизмини барпо этишга тўғри келди. Ўзбекистон ҳукумати 1989 йилдаёқ ташқи савдо учун масъул махсус тузилмани ташкил қилишга жазм этди. Айни ўшанда "Ўзбекташқисавдо" ("Узбекинторг") давлат агентлиги ўз фаолиятини бошлади. 1991 йилга келиб Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар давлат қўмитасига айлантирилди. Ўз навбатида мазкур Давлат қўмитаси 1992 йили Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини тузишда асос бўлиб қолди.

Мустақиллик қўлга киритилган 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон ҳукумати ташқи савдо режимини эркинлаштириш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида саноат ва озиқ-овқат товарлари етишмаслиги сезилиб қолди, шунинг оқибатида импортни рағбатлантириш сиёсати олиб борилди. Ўша кезлари импорт товарлардан бож олинмасди. Лицензия ва квота асосида экспорт қилинадиган товарларнинг рўйхати 71 номга борди, хом ашё ресурсларининг айрим турларига нисбатан экспорт божи қўллаш тартиби жорий этилди.

Инвестиция фаолияти кучайганлиги иқтисодиётни ислоҳ этишнинг 1995 йили бошланган иккинчи босқичига хос белгидир. Биргина 1995 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 1994 йилдаги даражага нисбатан 4,8 марта ошганлигини айтиш кифоя. Бу даврда иқтисодий ислоҳотлар иқтисодий тараққиётнинг миллий модели принциплари асосида ўтказилди. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг Ўзбекистонга хос модели, маълумки, энг аввало, иқтисодий мустақилликни, хусусан, энергетика, озиқ-овқат, транспорт бобида айни шундай мустақилликни таъминлашга қаратилган бўлиб, унга кўра асосий эътибор қазилма ва тайёрлаш саноатининг маҳаллий хом ашё ресурсларига асосланган ҳолда иш олиб борувчи, стратегик жиҳатдан муҳим тармоқларини устун даражада ривожлантиришга қаратилди.

Бу босқичда, биринчидан, мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, хомашё ресурсларининг энг муҳим турларини, бутловчи маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил этиш, иккинчидан, хомашёни қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, катта қўшилма қийматга эга бўлган маҳсулотлар тайёрлаш, экспортнинг хом ашёга йўналтирилганлигини бартараф этиш, учинчидан, ишлаб чиқариш, бозор, молия инфратузилмасини шакллантириш ва хизматлар кўрсатилишини ривожлантириш асосий устуворликларга айланди. Бунда миллий товар ишлаб чиқарувчилар ҳамиша давлатнинг алоҳида эътиборида бўлди ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиб келинди. Айни бир пайтда юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни яратиш ҳам назардан четда қолмади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида институционал ўзгаришларга асосланган макроиқтисодий барқарорлик вазифалари ҳам талаб даражасида ҳал этилди, бу эса реал секторини таназзул чангалидан халос этди, 1996 йилдан эътиборан иқтисодий ўсиш таъмин этилишига олиб келди. 1998 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишида саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш улуши қарийб 40 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланиб, энергетика мустақиллиги муаммоси ҳал этилганлигини ана шу йилларда давлат томонидан ўтказилган сиёсатнинг самараси деб баралла айтиш мумкин.

Иқтисодиёт секторларидаги таркибий ўзгаришларнинг кўлами ва суръатларига асосий фондларнинг ҳолати (айримларининг ишлатилиб емирилиши ва ишдан чиқиши даражаси қарийб 45 фоизни ташкил этарди) ҳамда ишлаб чиқаришлардаги эски технологиялар таъсир этиб, сифат жиҳатидан янги марраларга чиқишини тўхтатиб турди. Булар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик қобилиятини анчагина пасайтирди ва шунинг оқибатида баъзи корхоналарда молиявий беқарорлик аломатлари ҳам кўриниб қолди. Ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотлари заифлиги эса бу муаммони янада чуқурлаштирди.

Тараққиётнинг айни шу босқичида ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий хом ашёдан фойдаланувчи, маҳаллийлашган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш сиёсати олиб борилди ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар салоҳиятини яратишга эътибор кучайтирилди. 1995 йилда ташқи савдони тарифсиз бошқариш усулларидан тарифли бошқариш усулларига ўтиш бошланди, импортни тарифли бошқариш тизими жорий этилди. 1996 йилга келиб лицензия ва квота бериладиган товарлар рўйхати қисқартирилиб, тўртта номга келтирилди (булар пахта, дон, рангли металлар ва энергия элтувчи маҳсулотлардир). Экспорт божининг энг юқори ставкаси 40 фоизга қадар камайтирилди, товарларнинг ёки товар гуруҳларининг учдан бир қисми учун экспорт тарифи бекор қилинди. Экспортга товар ишлаб чиқараётган корхоналар солиқ бобида анчагина имтиёзга эга бўлиб қолдилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар, айтиш жоизки, қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли даврлар учун мўлжалланган давлат инвестиция дастурлари орқали амалга оширилди. Инвестиция дастурларини молиялаштиришда бюджетнинг марказлаштирилган маблағлари ва кредитлар, чет эл инвестициялари (давлат кафолати билан жалб этиладиган кредитлар ва тўғридан-тўғри инвестициялар), мамлакатимиздаги тижорат банкларининг кредитлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари асосий манба бўлиб қолди.

Молиялаштириш манбалари бўйича инвестицияларнинг тузилишидаги ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асоси-

да яққол кўриш мумкин. Агар 1995, 2000, 2003 ва 2004 йиллардаги капитал қўйилмаларни 100 фоиз деб оладиган бўлсак, шундан юқорида айтилган йиллар бўйича марказлаштирилган инвестициялар тегишинча 46,1, 54,1, 35,2 ва 29,4 фоизни, бюджет маблағлари 24,9, 29,2, 17,4 ва 14,9 фоизни, марказлаштирилган кредитлар 3,7 ва 5,1 фоизни (2003 ва 2004 йилларда улардан фойдаланилмаган), бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари 2,2, 1,3, 0,4 ва 2,4 фоизни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 15,3, 23,2, 24,9 ва 24,5 фоизни, марказлаштирилмаган инвестициялар 53,9, 44,1, 56,5 ва 57,9 фоизни, корхоналарнинг ўз маблағлари 37,2, 27,1, 41,1 ва 43,2 фоизни, ҳокимликларнинг маблағлари 2,1 фоизни (2000, 2003 ва 2004 йилларда бундай маблағлардан фойдаланилмаган), тижорат банкларининг кредитлари 6,4, 1,7, 1,8 ва 2,3 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,4, 3,4, 7,1 ва 10 фоизни, аҳолининг маблағлари эса 6,8, 12, 13,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, ўтган йиллар мобайнида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари тузилишида анчагина ўзгариш бўлган. Марказлаштирилган маблағларнинг улуши қисқариб бормоқда: агар бу улуш 1995 йилда 46,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 29,4 фоиздан ошмади. Бу маблағлар асосан иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилди. Мамлакатимиз тижорат банклари кредитларининг улушлари ҳам худди шу даврда камайди (6,4 фоиздан 2,3 фоизга). Инвестицияларнинг умумий ҳажмида корхоналарнинг ўз маблағлари улуши ҳам, аҳоли маблағларининг улуши ҳам анчагина ошди ва 1995 йили бу улушлар тегишинча 37,2 ва 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 43,2 ва 12,4 фоизга етди. Айни вақтда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улушлари салмоғи ҳам ортди. Бир сўз билан айтганда, инвестициялар манбаларидаги ўзгаришлар кейинги йилларда корхоналарнинг иқтисодиёти аста-секин мустаҳкамланиб бораётганлигини ва уларда бу инвестицияларни асосий сармояга йўллаш учун реал имкониятлар юзага келаётганлигини кўрсатмоқда.

Шуни айтиш керакки, мустақиллик йилларида давлат инвестицияларининг асосий йўналишлари билан иқтисодиётнинг устувор секторлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани қамраб олишга ҳаракат қилинди. 2004 йилда ишлаб чиқариш соҳасига, масалан, жами капитал қўйилмаларнинг 64,1 фоизи йўналтирилди. Кейинги йилларда айниқса саноат, транспорт ва алоқа соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Капитал қўйилмаларнинг умумий суммасида уларнинг улуши 51,7 фоизга бормоқда.

Аввалги йилларда бўлганидек, эндиликда ҳам асосий эътибор саноатнинг таянч тармоқларига қаратилмоқда. Электр энергетикага, масалан, 2004 йилда инвестициялар жами суммасининг 10,8 фоизи, ёқилғи тармоғига 13,3, қора ва рангли металлургияга 17,9 ҳамда машинасозликка 12 фоизи йўналтирилди. Инвестицияларнинг каттагина улуши енгил саноат чекига тўғри келмоқда, саъй-ҳаракатларнинг бари мавжуд хом ашё ресурслари, яъни пахта толаси, ипак ва шу кабиларни теран тарзда қайта ишлаш (19,7 фоиз) атрофида жамланмоқда. Агар 1995 йилда маблағларнинг асосий қисми қазиб олиш, тайёрлаш ва хом ашё тармоқларига (инвестицияларнинг 32,9 фоизи) йўлланган бўлса, 1998 йилга келиб қайта ишловчи тармоқларга эътибор кучайганлиги муносабати билан уларнинг улуши камайиб, 15,5 фоизга тушиб қолди. Бироқ 2004 йилда бу кўрсаткич кескин равишда ошди ва 46,3 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда чет эл капитали иштирокидаги фирмалар ва компаниялар сони ортиб бормоқда. Буни яхши тамойил дейиш мумкин. Зотан, иқтисодиёт секторларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошира бориш билан у яхшигина натижалар беради. Бирдан-бир шарти - бундай йўл тутиш натижасида иқтисодиётга киритилган ҳар бир доллар яхши самара берадиган бўлмоғи ёки экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳамда хизматлар ҳажмини кўпайтириш имкониятини яратмоғи лозим.

Мустақиллик йиллари мобайнида давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат иқтисодиёт секторларида ўзининг қуйидаги ижобий самараларини берди:

- биринчидан, энергетика билан ўзини-ўзи етарли даражада таъминлашга эришилди. 1996 йилдан эътиборан мамлакатга четдан нефть олиб кириш тўхтатилди. Диёримизда автомобиль бензини ишлаб чиқариш 1,3 марта кўпайди, табиий газ қазиб олиш 1,4 марта ортди. Пахта толасини ички эҳтиёж учун қайта ишлаш улуши икки баробар кўпайиб, эндиликда салкам 25 фоизни ташкил этмоқда;

- иккинчидан, нодавлат секторининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши кўпайди (47,9 фоиздан 70,8 фоизга етди), ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам ортди (54,7 фоиздан 74,1 фоизга етди);

- учинчидан, кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушида ҳам ўсиш яққол кўзга ташлана бошлади, эндиликда бундай бизнеснинг улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида 16,6 ва ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида 35,5 фоизни ташкил этмоқда;

- тўртинчидан, саноатнинг таянч тармоқларида қатор қудратли қувватлар ишга туширилди. Хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Хўжаобод корхонаси, Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Шўртон газ-кимё комплекси, автомобилларни йиғиш учун бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича турдош корхоналар, Самарқандда шаҳар автобуслари ва кичик юк машиналари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. "Кейс" компаниясининг қишлоқ хўжалиги техникаларини ўзимизда ишлаб чиқариш

йўлга қўйилди, этиль спирти ишлаб чиқариш қувватлари, Қизилқум фосфорит заводининг биринчи навбати, олтин конларида қазиб олиш ишларини олиб борувчи "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси, Когонда гипс тошлари ишлаб чиқариш қувватлари, Жиззаҳда донадор оҳак, Қувасойдаги "Кварц" ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар хил ойналар тайёрлаш, Бухоро ва Самарқандда тошни қайта ишловчи корхоналар иши йўлга қўйилди;

– бешинчидан, енгил саноатда калава, ип газлама, ипак, пойабзал, чарм маҳсулотлари, озиқ-овқат саноатида эса нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича, қолаверса, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қатор янги объектлар ишга туширилди.

Шунга қарамасдан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг фақат тўртдан бир қисми, меваларнинг 15 фоизи, сабзавотларнинг ўн ва полиз маҳсулотларининг беш фоизи қайта ишланмоқда, холос. Узумни қайта ишлаш 23 фоиздан, тери ва чармларни қайта ишлаш 26 фоиздан, жунни қайта ишлаш 15 фоиздан, гўштни қайта ишлаш 25 фоиздан ва сутни қайта ишлаш 5 фоиздан кўтарилмаяпти. Оқибатда хом ашёларни теран қайта ишлаш кўламининг оширилишига эришиш саноат ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг фойдаланилмаётган муҳим резервларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида (2000 – 2004 йиллар) саноат маҳсулоти ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 6,2 фоизни ташкил этди. Бу ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлар (МДҲга аъзо мамлакатлар) бўйича ўртача кўрсаткичлардан беш ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг индустрияси ривожланиб бораётган мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткичдан етти банд камроқдир.

Ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар саноат маҳсулоти экспорти ҳажми анчагина кўпайишига олиб келди. 2004 йилда унинг ўсиш суръатлари 29,6 фоизни ташкил этди ва бу худди шу даврда МДҲга аъзо мамлакатлар бўйича ўртача кўрсаткичдан (25-26 фоиз) бирмунча юқори бўлиб, индустрияси ривожланган мамлакатлар даражасига (28 фоиз) тенглашади. Экспортни ривожлантиришнинг айни ана шундай суръатлари мамлакатимизга мавжуд иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни кучайтириш, дунё товарлар бозорида тегишли мавқеини қўлга киритиш ва мамлакатимиз экспортчиларига унда эгалланган маррани сақлаб туриш имконини бермоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги таркиби экспортга йўналтирилган ҳамда қазиб олиш, тайёрлаш тармоқларида кенгроқ ва тўлароқ намоён бўлмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши эндиликда 55 фоиздан ҳам ошди. Мамлакатимиз саноатининг хом ашёга йўналтирилганлик даражаси МДҲга аъзо мамлакатлар бўйича тегишли ўртача кўрсаткичдан унча фарқ қилмайди. Хусусан, бу кўрсаткич биз билан асосий шериклик қилиб келаётган Россияда қарийб 60 фоизни, Қозоғистонда эса 62-64 фоизни (кейинги икки-уч йил ичида мамлакатда нефть ва газ конлари жадал ишга туширилганлиги эвазига) ташкил этмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида саноат экспорти ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 5,6 фоизни ташкил этди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспортнинг улуши кўпайишига олиб келди ва эндиликда бу кўрсаткич 33,7 фоиздан 50,2 фоизга етди.

Мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлик борасида қарор топган даражаси МДҲга аъзо мамлакатлардаги ўртача даражага (50-52 фоиз) тенглашиб қолди, бироқ жаҳондаги индустрияси ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан (60-70 фоиз) анчагина орқада қолмоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлик бобида шаклланган даражаси саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда улардаги техник ва технологик янгиланиш жараёнларини тезлаштириш учун етарли эмас.

Сир эмаски, шўролар даврида Ўзбекистоннинг транспорт комплексини ривожлантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг беш йиллик режаларига мувофиқ равишда амалга ошириб келинган. Юқорида айтиб ўтилганидек, транспорт тармоқларини барпо этишда Иттифоқ таркибидаги республикалар ўртасидаги чегаралар мутлақо эътиборга олинмаган. Бунинг устига транспортнинг моддий-техника базасини етарли даражада жиҳозлаш таъмин этилмаган. Табиийки, бу муаммолар мамлакатимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига етказиб беришда муайян қийинчиликлар келтириб чиқарарди.

Давлат мустақиллигига эришилганидан кейин бу борадаги мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўлида астойдил иш олиб борилди. Энг аввало мамлакатимиз вилоятлари ўртасидаги транспорт-иқтисодий алоқаларни транспорт воситалари бошқа суверен давлатлар ҳудудидан эмас, фақат ўз ҳудудимиздан ўтадиган қилиб таъминлаш йўлларини излаш керак эди. Қолаверса, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиши учун бу алоқанинг жаҳон океанига чиқишини таъминлаш талаб этиларди. Шу мақсадда Ангрен-Поп автомобиль йўлини кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуриш ишлари олиб борилди. Бинобарин, бу йўл Тошкент вилоятини Фарғона вилояти билан тўғридан-тўғри боғлаганлиги боис қатновнинг Хўжанд вилоятидан (Тожикистон) ўтишига ҳожат қолмасди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари билан тўғридан-тўғри, яъни Туркманистон ҳудудидан ўтмаган ҳолда боғловчи Навоий-Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ-Нукус

темир йўл қурилиши ишлари олиб борилди. 2001 йили бу темир йўл ҳаракат учун очилди, бир неча ой ўтмасдан ундан йўловчи ташувчи поездлар ҳам юра бошлади. 2004 йили Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл шохобчаси қурилишига киришилди. Бу йўлнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг икки жанубий вилоятини ўзаро боғлайди ва айни вақтда бошқа минтақаларга уланишини таъминлайди.

Мустақиллик йиллари мобайнида бизда ташқи иқтисодий фаолиятни транспорт жиҳатидан таъминлашга катта эътибор берилди. Худди шу мақсадда Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ҳудуди оша, Туркманбоши-Боку ва Оқтау-Боку паром йўли орқали Озарбайжон ва Грузияга - уларнинг ҳудуди оша Қора денгизнинг Поти, Констанца портлари ва бошқа бандаргоҳлар билан Европага олиб борувчи Транскавказ йўлаги орқали юк ва йўловчи ташиш амалга оширилмоқда. Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ҳудуди оша ва ундан кейин Тажан-Серахс-Машҳад йўли орқали Эрон, Туркия ва у ёғи Европага олиб борувчи Трансосиё йўлаги қурилиши тугалланди. Юқорида айтиб ўтилган йўлаклар билан бир қаторда Қозоғистон ҳудуди орқали Россияга ғарбий йўналиш (Ғазали орқали), шимолий йўналиш (Чу-Қарағанда орқали) ва шарқий йўналиш (Семипалатинск орқали) билан юриладиган Шимолий транспорт йўлаги ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида Келес-Тошкент-Самарқанд йўналишидаги йўлларнинг уст қатлами Европа Тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобига янгиланиб, йўллар созлаб олинди.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг транспорт мустақиллигини таъминлашга ва экспорт-импорт юкларини ташишга бўлган мамлакат талабэҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилгандир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларида содир бўлган таркибий ўзгаришлар бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш самараси, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришдек эзгу мақсад сарчашмасидан баҳрамандлик мевасси бўлганлиги учун ҳам ҳар биримиз ва ҳаммамиз учун бирдек қадрлидир.

И.З.Абдуллаев,
Начальник отдела Узбекского агентства связи и информатизации

МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОРПОРАЦИИ И ПРОЦЕСС ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ (некоторые вопросы теории и практики)

Растущий уровень вовлеченности национальных экономик в глобальную экономику является на сегодняшний день объективным процессом. Эффективность функционирования национальных экономик стала напрямую зависеть от уровня ее погруженности в систему мирохозяйственных связей. Президент нашей страны И.А.Каримов говорил: «Без интеграции экономики Узбекистана в мировую экономическую систему, без расширения и укрепления внешнеэкономических связей и, что особенно важно, без привлечения иностранных инвестиций в экономику страны.., без расширения присутствия иностранного капитала в банковском и финансовом секторах, реальной экономике, и в первую очередь в базовых отраслях, трудно, а если еще точнее, невозможно обеспечить устойчивую перспективу развития нашей экономики»[1].

Особое место в процессе глобализации занимает деятельность международных корпораций (МК). В современной экономике МК играют системообразующую роль. «Без транснациональной корпорации глобализация почти немыслима», - полагает Г.Артус[2]. В МК глобальная экономика обретает свою институциональную форму[3]. О важности изучения МК для понимания процессов глобализации говорит и Дж.Сорос, который определяет глобализацию как «растущее доминирующее влияние на национальные экономики глобальных финансовых рынков и транснациональных компаний»[4].

Являясь одновременно причиной и следствием глобализации, МК представляют вполне закономерный интерес для изучения с целью более глубокого осмысления корней и направления движения глобализационных сил.

Для начала определим круг субъектов транснациональных хозяйственных отношений современности. Это международные компании, а также национальные тресты и концерны с зарубежными активами.

Обратимся к устоявшейся классификации международных корпораций. Международные корпорации

[1] Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Доклад на заседании межведомственного координационного совета по реформированию и инвестициям. Т.: Узбекистон, 2000.

[2] Globalizing Institution. - P. 30.

[3] Кувалдин В. Глобальность: новое измерение человечества. - В сборн. Грани глобализации: Трудные вопросы современного развития. - М.: Alpina Publisher, 2003. - С. 592.

[4] Сорос Дж. Тезисы о глобализации // Вестник Европы, т.2, 2001. - С. 30.

разделены на три группы. К первой относятся так называемые транснациональные корпорации (ТНК) которые представляют собой крупнейшие компании преимущественно с однонациональным акционерным капиталом и характером контроля над деятельностью всей корпорации. Такие МК осуществляют свою деловую активность в других странах с помощью организации там филиалов и дочерних предприятий, обладающих самостоятельными службами производства и сбыта продукции, научно-исследовательскими центрами и т.д.

Типичными примерами подобных международных корпораций являются фирмы «Дженерал Моторс» (General Motors), «Форд» (Ford), «АйБиЭМ»(IBM), швейцарский пищевой концерн «Нестле» (Nestle) и др.

Во вторую группу исследователи включают многонациональные корпорации (МНК). Это тресты, концерны и другие производственные объединения, которые являются международными фирмами не только по деятельности, но и своей структуре. МНК объединяют национальные компании двух или более стран на производственной и научно-технической основе, которые принадлежат собственникам этих стран. Примерами таких многонациональных корпораций могут служить англо-голландский химико-технологический концерн «Юнилевер» (Uniliver), существующий с 1907 г., англо-голландский концерн «Ройял Датч-Шелл» (Royal Dutch/Shell), англо-итальянский резинотехнический концерн «Данлоп-Пирелли» (Dunlop Pirelli), итало-французский автомобильный концерн «Фиат-Ситроен» (Fiat-Sitroen).

В третью группу международных корпораций входят так называемые международные корпоративные союзы, чаще всего выступающие в форме консорциумов. Эти образования создаются на производственной, научно-технической и коммерческой основе и представляют собой специализированные объединения промышленных, банковских и других концернов, создаваемых для решения крупных экономических задач. Классическим примером такого международного союза концернов является западноевропейский консорциум «Эрбас Индастри» (Aerobus Industry).

Рассмотрим сам процесс становления системы международных корпораций. В целом динамику развития МК после Второй мировой войны можно представить следующим образом. Их широкомасштабное наступление началось в 50-60-е годы XX века с американских структур, затем охватило японские и немецкие. Английские, голландские и французские корпорации проявляли себя в тот период как более традиционные международные игроки. Промышленно-финансовые образования некоторых менее развитых государств также были вовлечены в процесс глобализации и укрепили свои международные позиции. В 80-е годы за ними последовали компании Южной Кореи и некоторых развивающихся стран.

С началом нового века экспансия МК усилилась.

Во-первых, они сумели открыть для себя некоторые новые регионы: с распадом Советского Союза и сменой ориентации в бывших социалистических странах система мирового рынка распространилась на значительные территории.

Во-вторых, ускорилась глобализация финансового сектора и интеграция финансовых рынков. Возникли огромные транснациональные финансовые конгломераты. Глобальные финансовые потоки стали значимым фактором международных экономических отношений.

В-третьих, процессы приватизации и коммерциализации открыли новые рынки и отрасли, которые ранее были не доступны или же доступны с существенными ограничениями.

В четвертых, по ряду причин конкуренция ожесточилась. Особо значимыми факторами стали: распространение технологической революции; конвергенция технологических возможностей во многих отраслях производства, облегчающая быструю имитацию и появление различных видов товаров с лучшими качествами; слияние корпораций в мировом масштабе. Формирование новых рамок корпоративного сотрудничества и стратегических союзов усилило интенсивность и расширило территориальное распространение конкуренции. На рынке появились новые конкуренты, в частности, из азиатских стран.

В-пятых, увеличилась значимость региональных интеграционных процессов и зон сотрудничества, что стало оказывать многоплановое влияние на прямые капиталовложения. Один из наиболее показательных примеров – углубление европейской интеграции и создание в данном регионе единого рынка.

В-шестых, во всем мире получили распространение современные технические достижения и технологии их применения, которые обусловили структурные сдвиги и породили новые возможности для предпринимательства.

В-седьмых, отдельные рынки и национальные экономики стали более взаимозависимы. Но при этом увеличиваются технологический разрыв, разрыв в уровне доходов и неравенство между регионами, странами и внутри стран.

Отсюда можно сделать вывод, что интеграция мирового хозяйства в предстоящие годы, пока мир не переживает крупномасштабных экономических или политических взрывов, будет явно продолжаться. Однако процесс, по-видимому, останется жестким в смысле конкуренции, асимметричным с точки зрения неравенства победителей и побежденных. И он по-прежнему во многом будет зависеть от МК.

Обычно МК расширяют международную деятельность путем приобретения или создания новых компаний, организации совместных предприятий или же вступая в другого рода объединения. Причем для данных операций не обязательно прибегать к экспорту капитала и реинвестированию прибыли, заработанной за рубежом – можно поглотить иностранную фирму, получив кредит по месту совершения сделки по ее приобретению. Применяются и другие методы укрупнения активов и приобретения контроля (например, присвоение местного основного капитала в счет погашения долга).

Весьма важным явлением на рубеже веков стали слияния и поглощения компаний (в то время как новых появлялось относительно мало). Особая роль в этом отводится стратегии конкуренции, согласно которой во многих отраслях производства наращивалась рыночная доля или же предпринимались попытки завоевать исключительное положение путем поглощения конкурентов. В соответствии с данной стратегией корпорация должна быстро мобилизовывать огромные капиталы.

В 2002 г. 71% мирового объема прямых иностранных инвестиций был направлен в промышленно развитые державы (32 – в страны ЕС и около 20 – в США), примерно 27 – в развивающиеся и 2% – в бывшие социалистические государства. Последняя цифра показывает: не оправдались

надежды развивающихся государств на то, что с распадом Советского Союза и открытием новых рынков значительная часть инвестиций переместится в этом направлении.

Следует отметить постоянный и существенный рост численности международных компаний. Так, с 7 тыс. в 1970 году их число выросло до 70 тыс. в 2000 г.[1] Многие компании органически влились в хозяйства национальных государств. Например, компания IBM имеет филиалы в более чем 130 странах мира.

Однако среда международных компаний неоднородна и, несмотря на их большое количество, мирохозяйственную картину определяют 100 крупнейших из них. На их долю приходится более 40% продаж в объеме общемировой реализации. Они непосредственно формируют глобальную мирохозяйственную обстановку, и анализ их деятельности есть инструмент для осмысления происходящих и будущих процессов в общественной жизни.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимининг мустақиллигини таъминлаш ва улардан ҳеч бирининг ҳокимият ваколатларини ўзлаштириб олиши ёки суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик - ҳокимият ваколатлари тақсимлаш принципларини амалда ишлай олишини талаб этади. Ҳокимият ваколатларининг мустақил бўғини ҳисобланмиш суд ҳокимиятида ҳам ислоҳотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепцияси амалда жорий этилмоқда. Суд ҳокимиятининг

уч мустақил бўғини - Конституцион суд, Олий суд, Олий хўжалик судлари ҳаётида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритилмоқда.

Маълумки, қонун устуворлиги, энг аввало, Конституция ва қонунлар барча учун бирдек баробар тенг амал қилишини зарурат қилиб қўяди. Жамиятдаги ҳеч бир куч, давлат ёки нодавлат тузилмалари, мансабдор шахс ёки оддий фуқаролар қонунни четлаб ўтишлари, уни суиистеъмол қилишлари мумкин эмас. Бу қоида адолат тамойилларига қурилган ҳуқуқий демократик давлатнинг бош шартидир. Конституция ва қонунларни бизда конституцион суд ҳимоя қилиши, конституция қоидаларига зид норматив ҳужжатларни бартараф қилишда, конституция нормаларига халқаро шартномаларга шарҳ бериш, Конституцион суд ваколатидаги вазифалардир.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, Конституцион судга мурожаат қилувчи субъектларнинг доирасини кенгайтириш долзарб бўлиб турибди. Бундай субьектлар доирасига маҳаллий ижроия ҳокимияти, омбудсман ва фуқароларни ҳам киритиш масаласи ечимини кутаётган вазифалардандир. Фикримизча, сайлов қонунчилигининг бузилиши ва уни назорат қилиш, Президент сайловини тасдиқлаш масалалари Олий Судга эмас, балки Конституцион суд ваколатига киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўнгги йилларда судни халқимизнинг ижтимоий онгида жазоловчи орган сифатида эмас, балки холис баҳо берувчи ва адолатни ўрнатувчи орган сифатида шакллантириш жараёни давом этмоқда. Бу борада суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви катта аҳамият касб этади.

Судларнинг ихтисослашуви сўнгги йилларда уларга мурожаат қилишни анча кўпайтирди. Айни пайтда Олий судда ишларни кўриб чиқиш соддалаштирилди. Масалан, 2000 йилда судда кўрилган ишларнинг сони 90 мингни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу рақам 327 мингни ташкил этди. Жамиятда қонун устуворлигига эришиш жамиятни қонунлар ва пухта яратилган қонунчилик тизими бошқаришига эришишимиз лозим. Бунда қонунчилик тизими иерархиясини изчил ва мантиқий яратишга эришиш лозим. Токи Конституцион нормадан энг оддий йўриқнома, низомгача яхши қурилган бинони - пирамидани эслатсин ва улар номутаносиб ёки қарама-қарши бўлиши мумкин эмас.

Кейинги йилларда судда кўриладиган ишларнинг мазмуни ҳам анча кенгайиб, улар бузилган ҳуқуқларни тиклаш, тадбиркорлик, молиявий ва бошқа масалаларни ташкил этмоқда. Суд тизимида қабул қилинган апелляция институти суд қарорларининг бекор қилиниши, апелляцияга тушган 56 фоиз ишлар бўйича янги қарорлар чиқарилишига олиб келди.

Жазони қўллаш масалаларида ҳам сўнгги йилларда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, эркинлаштириш-либераллаштириш ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Илгарилари жазонинг озодликдан маҳрум қилиш тури содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларнинг 50 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда. Ярашув институтининг қўлланилиши жазони 30 фоизга камайтириш имконини берди ва 26 мингдан ортиқ кишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини яратди.

Бу соҳадаги энг долзарб вазифа - бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, бошқа мажбурий чораларни қўллаш учун санкция беришни прокуратура органларидан судларга ўтказиш масаласидир.

Бу масалани ҳал этиш зарур ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш

ва у охир оқибатда ўз ечимини топади деган умиддамиз. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги ўта муҳим масала - бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласидир. Бу жараён бизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва ўлим жазоси қўллаш лозим бўлган 33 ҳолатдан уларнинг сони икки турдаги жиноятлар учун, яъни террорчилик ва қасддан одам ўлдириш ҳолатларидагина сақланиб қолди. Вақти келиб бу жазо тури ҳам жиддий ташкилий-таҳлилий мушоҳадаланиб узоқ муддатли жазо турига алмаштирилади. Суд ислоҳотларини амалга оширишда ҳар бир судда фуқаролик ишлари бўйича махсус судларни ташкил этиш, апелляция институтининг киритилиши муносабати билан кассацион инстанция чиқариш вақти етди. Ярашув институтини янада кенгроқ қўллаб, айбни бўйнига олиш бўйича ҳам келишув институтини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Шунингдек, одил судловда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш, халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим. Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, жамиятимизда адвокатлар мавқеини кўтариш, уларнинг суд муҳокамаси жараёнида тенглигини амалда таъминлаш ўта муҳимдир.

Ҳозирги пайтда тергов ва судгача бўлган жараён назоратини судга олиб бериш масаласи ўрганилмоқда.

Айни пайтда судда жамоатчиликнинг иштироки суд маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий мақомини қонун доирасида мустаҳкамлаш, ҳакамлик судларини - жамоатчилик суди сифатида киритиш масаласи, умуман суд жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Хўжалик судининг фаолиятига келсак, Суд ҳокимиятининг мустақил бўғини бўлган хўжалик суди икки турдаги масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бу хўжалик судларига мурожаат этишни кенг кўламда қўллаш, суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишдир. Иқтисоднинг эркин ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари ва сонининг ошганлиги хўжалик процессуал Кодексининг қабул қилиниши билан хўжалик низоларини кўплаб кўриб чиқиш имкониятини, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, келтирилган моддий-маънавий зарарни қоплаш каби ҳуқуқларни амалга ошириш имконини яратди. Модомики, жамиятнинг демократлашуви, тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилгани хўжалик низоларига талабни ошириши хўжалик судларининг даъво турлари бўйича ихтисослашувини талаб этмоқда. Масалан: корпоратив ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, банк ҳуқуқи каби халқ хўжалигининг тармоқларига қараб ихтисослашув амалга оширилиши лозим.

Хўжалик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни жамоа хўжаликларида, туманларда яхши йўлга қўйиш, бепул ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни замонда хўжалик судларининг фаолиятида маъмурий судларни жорий этиш зарурати ҳақида ҳам фикрлар билдирилмоқда. Демократик ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш жамиятда фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини қўяди. Жамиятдаги демократик ислоҳотларнинг марказида инсон ва яна бир инсон, унинг манфаатлари туришини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Халқимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, унинг давлат бошқарувидаги бевосита иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди, жумладан, сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида зарур қонунлар қабул қилинди. Булар ичида сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисидаги

қонун давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ривожланишда демократик тамойилларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантиришдир. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ишори давлат тузилмалари билан бир қаторда нодавлат, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар мавқеининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кўтариш бугунги кунда уларнинг сонини 5 мингдан ортиқ кўпайишига олиб келди. Бугунги ривожланишимиз талабларидан келиб чиқиб, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини, хайрия жамғармалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ислоҳотларнинг натижаларидир.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Н. Сиражиддинов,
и.ф.д., "ХИМ" кафедрасининг мудири

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаси асосида)

Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб бердилар.

Биринчи устувор вазифа қилиб бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш белгиланди. Бу, албатта, бежиз эмас. Охирги йилларда бу соҳада олиб борилаётган катта ишларга қарамай, ҳозирги кунда ҳам ечилмаган кўпгина муаммолар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Энг асосий муаммолардан бири - кўпгина хом ашё товарларининг эркин бозори шакллантирилмагани, баъзи соҳаларда маъмурий-тақсимот тизимининг сақланиб қолаётганлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасининг юқорилигидир. Натижада ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда, корхоналарнинг трансакцион ҳаражатлари кўпаймоқда, уларнинг рақобатбардошлиги пасаймоқда. Шунинг учун ҳам маъмурий тақсимот тизимидан бутунлай воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш 2005 йил учун энг муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари ва халқ фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан макроиқтисодий барқарорликка боғлиқ. Макроиқтисодий барқарорлик бўлмас экан, реал секторга инвестицияларни кўпайтириш имкониятлари кенгаймайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини кўпайтириш, уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва самарали уй-жой бозорини шакллантириш, аҳолининг ўз пул маблағларини депозитларда сақлашдан манфаатдорлигини кучайтириш энг муҳим масалалар эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Иккинчи устувор вазифа сифатида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришни таъминлашдир, деб белгиланди. Маълумки, хусусий мулкчилик ўзининг юқори самарадорлиги, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабларига қараб тез мослаштириши ва аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун катта рағбатга эгалиги билан характерланади. Глобализация жараёнлари ва рақобат кураши кучайиб бораётган ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширмай ва бозордаги вазиятга қараб ишлаб чиқаришни доимий равишда мослаштириб бормай туриб, рақобатга бардош бериш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам хусусий тармоқнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш ҳозирги кунда энг долзарб муаммо ҳисобланади.

Хусусий тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш бўйича Президентимиз томонидан тўртта муҳим вазифа белгилаб берилди.

Биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш. Маълумки, бу борада охирги йилларда мамлакатимизда кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу муаммо ҳозирги кунда ҳам тадбиркорлик фаолияти йўлидаги энг асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Уни ҳал этишнинг асосий йўли сифатида, худди ривожланган мамлакатларда бўлганидек, текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш тўғрисида илгари сурилди ва ҳозирги кунда керакли қонуний ҳужжатлар устида иш олиб борилмоқда.

Иккинчидан, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини қайта кўриб чиқиш ва қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш, тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазо қўллашдан воз кечиш.

Учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини сотиш имкониятларини кенгайтириш ишларини давом эттириш. Бу муаммони ҳал этиш ресурсларни маъмурий тақсимлашдан воз кечишни ва бу ресурсларни биржа ва аукцион савдо орқали сотишни кенгайтиришни талаб қилади. Бунинг оқибатида, бир томондан, тадбиркорликнинг кенг ривожланиши учун шароит яратилса, иккинчи томондан, ресурсларни тақсимлаш ва ишлатиш самарадорлиги ортади.

Тўртинчидан, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Бунинг учун банк тизими орқали ишлаб чиқариш корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратиш, микрокредит тизимини кенгайтириш ғоялари олға сурилди ва бугунги кунда ҳам керакли қонуний ҳужжатлар яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Президентимиз чиқишларида *учинчи устувор вазифа* сифатида кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш белгиланди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришнинг ижобий натижалари фақатгина янги иш жойларини вужудга келтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли даромадини ошириш билангина чекланиб қолмайди. Энг муҳими, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш хусусий мулкчилар синфини, «ўрта қатлам»ни вужудга келтиради. Бу эса мамлакатда сиёсий барқарорликни мустаҳкамлайди, тадбиркорлик соҳасида таваккалчиликни камайтиради, сармоя муҳитини яхшилайди. Булар-

нинг ҳаммаси, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатлари ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ЯИМдаги ҳиссасини 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш зарурлиги уқтирилди. Бу имтиёзларга а) солиқ тортиш бўйича имтиёзлар; б) айрим турдаги фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини жорий этиш; в) йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ташкил этиш - хонадонларда хусусий цехлар очилишини рағбатлантириш; г) кичик корхоналарда ишлайдиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот ва улар маҳсулотини сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш киради.

Тўртинчи устувор вазифа сифатида банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни ривожлантириш олға сурилди.

Маълумки, иқтисодий ўсиш суръатлари ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳолининг банк тизимига ишончига боғлиқ. Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг ортиши иқтисодиётда бўлган пулларни банк айланмасига жалб этиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, инвестицияларни молиялаштириш учун зарур бўлган жамғармаларни кўпайтириш, пул эмиссиясини камайтириш каби макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш учун зарур бўлган вазиятни вужудга келтиради. Бу муаммони ҳал қилиш эса, ўз навбатида, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, банкларни капиталлаштириш даражасини кўтариш ва банк тизимига бўлган ишончни амалга оширишни талаб қилади.

Бешинчи устувор вазифа сифатида Президентимиз томонидан уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари олға сурилди.

Бу соҳадаги энг катта муаммо ҳали бозор механизми шаклланмаганлиги, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб ускуналарнинг етарли даражада эмаслигидир. Натижада бу ресурслар кўплаб исроф бўлмоқда, тарифлар асоссиз ўсмоқда, аҳолининг қарзи ошмоқда. Шунинг учун ҳам уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган дастур ишлаб чиқиш зарурияти таъкидланди.

Навбатдаги муҳим устувор вазифа сифатида солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш масаласи қўйилди.

Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилганидек, 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодекси бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Асосий муаммо фискал мақсадларни кўзловчи солиқ тизимидан рағбатлантириш хусусиятига эга солиқ тизимига ўтишдир. Яъни, солиқ тизими ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, табиий, минерал хом ашё, ерсув ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи характерга эга бўлмоғи лозим. Солиқ юкини енгиллаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва унинг шаффофлигини таъминлаш миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатдаги тадбиркорлик муҳитини яхшилаш имконини беради. Ҳозирги кунда янги Солиқ кодекси устида иш олиб борилмоқда.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан олдинга сурилган устувор вазифаларни бажариш, шубҳасиз, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, халқ фаровонлигини кўтаришга олиб келади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР

Р.У. Эрназаров,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Одамларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва хулқ-атвори оммавий ахборот воситалари (ОАВ) томонидан яратилган ахборот майдонига жиддий боғлиқ деган тасаввур анча кенг тарқалган. Фуқаролар хулқ-атворига ОАВнинг таъсири маълум жамоатчилик фикрини вужудга келтириш орқали амалга оширилади. Жамоатчилик фикрини яратиш ОАВнинг жуда муҳим функциясидир. ОАВни "тўртинчи ҳокимият" деб аташлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, тарих маълум даврда ОАВнинг сиёсий таъсир кучи давлат ҳокимиятининг кучи билан тенглашишини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан ОАВ фаолиятига ҳокимиятнинг муайян шакли деб қараш мумкин.

ОАВни жамоатчиликнинг фикрини ва ижтимоий фаоллигини ифодалаш воситасидан ҳам кўра кўпроқ ижтимоий бошқариш органи сифатида идрок этиш унинг обрўси ва хабарларига нисбатан аҳолининг ишончини оширибгина қолмай, аксинча, уни камайтириши ҳам мумкин.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан Ўзбекистонда ҳам янгича муносабат шаклланмоқда. ОАВ мамлакатда содир бўлаётган демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб боряпти. Аниқроғи, у юртимизда қарор топаётган фуқаролик жамиятининг узвий таркибий институти деб эътироф этилмоқда. "Жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВга муҳим ўрин берилади, – дейди юртбошимиз Ислом Каримов, - ҳозирги кунда ОАВнинг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократлаштириш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти".

Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти, – деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, – бу ОАВни ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

Бу вазифани амалга оширишда асосан матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат эканлиги Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги 1997 йил 26 декабрь, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги 1997 йил 24 апрель, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 1997 йил 24 апрель, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги 1996 йил 30 август ва "Реклама тўғрисида"ги 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган қонунларида аниқ белгилаб берилган.

Одамлар оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимизда ва чет элларда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишларини таъминлаш жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ҳокимият органлари, бошқарувнинг бошқа тизимлари фаолияти ҳақида танқидий фикрлар, таҳлилий хулосалар билдириши, ислоҳотларга тўсиқ

бўлаётган нуқсонлар ҳақида ҳам хабар бериш даражасини кўтариш кераклиги, профессионал таҳлилий материалларни кенгайтириши тавсия этилади.

Энг муҳим масалалардан бири – ОАВнинг мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан холос бўлаётганлигидир. Журналистлар фаолиятида ўзини ўзи цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари сезилиб турибди.

Ахборот эркинлигини таъминлаш ОАВда одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этишига, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошишига, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокининг ортишига олиб келиши табиийдир.

Юқоридаги муаммоларни ечишда қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

1. Аввало, ОАВ эркинлигини таъминлаш муҳимдир. Бу эса уларнинг мустақил фаолият юритиш ва ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади.

Матбуот ва ахборот эркинлигини кафолатлашни бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларини ривожлантиришда кўришимиз лозим.

2. ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузиш фурсати келди. Бу фонд мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган электрон, босма ва бошқа турдаги, хусусан, ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тизимини шакллантиришга ёрдам беради.

Ушбу фонднинг молиявий асосини ҳам ички, ҳам ташқи давлат ва нодавлат тижорат тузилмаларининг ҳомийлик маблағлари ташкил этади.

Унинг асосий мақсади нодавлат электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ҳамда мустаҳкамлашга, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Бу иш мамлакатимиз ва хориждаги етакчи таълим муассасалари ва телерадио журналистика марказларида малака ошириш, тренинглар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

3. Давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи.

4. Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш тижорат ва ҳудудий нодавлат теле-радио студияларининг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижобий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ҳозир замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб келмоқда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига диққатни қаратиш лозим.

Республика аҳолисининг сиёсий онгини юксалтиришда маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Бироқ ҳозирги кунда ОАВдан аҳоли фойдаланадиган ижтимоий-сиёсий ахборот ҳажми унчалик салмоқли эмас. Тегишли материалларни ўқиш, радио тинглаш ва телевизор томоша қилишга сарфланадиган жами вақтнинг қисқараётгани, ОАВ бозорини чет эл ахборот каналлари астасекин эгаллаётгани, бозор муносабатларига ўтилиши, яъни иқтисодий фаоллашув натижасида телевидениега, газета ва журналларга кам вақт қолаётгани кабилар ҳозирги даврга хос муаммолардир.

Республика ОАВга фуқароларнинг ишончсизлиги вақтли матбуотда ҳам, телеканалларда ҳам воқеа-ҳодисаларни ёритишда таҳлилий йўналишнинг камлиги билан боғлиқ. Фуқароларнинг бир қисмида ижтимоий-сиёсий ҳаётга нисбатан қизиқиш йўқолиб, ундан четга чиқиб қолмоқдалар, фақат кундалик ҳаёт – оила, иш ва шу кабилар билан кифояланмоқдалар.

Матбуот ҳозирги кунда бозор муносабатларининг қийинчиликларига бошқа ОАВга қараганда кўпроқ дуч келди. ОАВнинг молиявий аҳволи аҳолининг харид қобилиятига бевосита боғлиқлиги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда, чунки кўпгина оилалар мунтазам равишда газета ва журналлар сотиб олиш имконига эга эмас. Сўнгги ўн йил ичида республика матбуот нашрларининг сони етти-саккиз баравар кўпайганига қарамай, уларнинг умумий тиражи беш-олти баравар камайди. Газета ва журналлар асосан реклама, мунажжимлар башорати ва телекўрсатувлар дастурини чоп этиш ҳисобига яшамоқда. Жиддий материаллар кам, борлари ҳам одатда чет эл ОАВдан кўчириб босилади ёки интернетдан олинади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига қараганда, даврий матбуот нашрларини ўқувчи шахсларнинг умумий доираси ҳам тор. Аҳоли асосан расмий нашрларни ("Халқ сўзи", "Народное слово", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока"), оммавий ахборот-кўнгилочар нашрларни ("ПрессТиж", "Даракчи", "Тасвир" ва бошқаларни), шунингдек, ихтисослашган нашрларни ("БВВ", "Экономический вестник", "Постда" ва бошқаларни) ўқийди.

Халқимиз сиёсий янгиликлар билан телевидение орқали (ёшлар эса Интернет орқали) танишишни маъқул кўрадилар. Буни жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, аҳолининг 90% сўнгги ахборот билан телевидение орқали ва фақат 15–20% матбуот хабарлари орқали танишишларини билдирганлар.

ОАВга нисбатан ишончсизлик уйғотадиган асосий сабаблардан яна бири, жамоатчилик оммавий ахборот воситалари маълум гуруҳларнинг тор манфаатларини ифода этади, деб ҳисоблайди. ОАВ эркинлиги ва мустақиллиги принципларини сақлаш зарурлигини асосан эътироф этган ҳолда, фуқаролар матбуот эркинлигининг ҳозирги аҳволига баҳо беришда кўп жиҳатдан ўз сиёсий қарашларига таянадилар. Давлат ҳокимияти демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг муҳим ўрин тутишини эътироф этган ҳолда, цензурани бекор қилиб, том маънода эркин ОАВни таъминлаш йўлида бир қатор муҳим қонунлар қабул қилиб, ОАВни демократлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширди. Улар нимададир ҳақ, аммо "матбуотга эркинлик берилсин" деган қуруқ чақириқлар ва шиорлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу йўналишда давлат ҳокимияти, ОАВ, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар эркинлик, демократия ва буюк келажак учун ўзаро ҳамкорлик ва алоқа қилишлари керак.

Ўзбекистонда шўролар давридан бошлаб оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот манбаи деб эмас, балки жамият ва ҳокимият ўртасидаги икки томонлама алоқа каналларидан бири, муҳим ижтимоий, баъзан шахсий муаммоларни ҳал қилиш воситаси деб қараб келинади. Матбуот органи, радио ва телевидениеда махсус бўлимлар фаолият кўрсатиб, улар фуқароларнинг хатлари билан шуғулланишлари, одамларнинг қарашлари ва кайфиятларини умумлаштирилган кўринишда ҳокимият органлари эътиборига ҳавола қилишлари лозим.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

З.С.Убайдуллаев,
ю.ф.н., ЖИДУ доценти в.б.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари муайян ҳуқуқий асосларга таянади. Улар жумласига Конституция, қонунлар, халқаро ҳуқуқ принциплари, давлатлараро битим ва шартномалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир деб белгилаб қўйилган. Қомусимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф қилинган қоидалари ва нормаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлати ташқи сиёсати амалга оширилиши таъкидланади.

Албатта, халқаро муносабатлар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Шу сабабли, Асосий қонунимизда Республика давлатининг халқ манфаатлари, фаровонлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, улардан ажралиб чиқиш имкониятлари ўз ифодасини топган.

Халқаро муносабатларнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмини шакллантиришда Конституциявий принциплар устуворлиги ва йўналтирувчи кучи муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунларда ҳам раҳбарий нормалар мавжудлигини қайд этмоқ лозим.

Бинобарин, қонунларимизда давлатлараро муносабатларда ҳамкорлик ва барқарорликни, миллий хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамжамият ташкилотлари билан интеграциялашувнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада мавжуд.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги шерикчилик сиёсий-ҳуқуқий механизмларининг амалиётида халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва халқаро тартиб-қоидалари ўзига хос таъсир кучига эга, деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу принциплар БМТ Устави мазмунига сингдирилган. Уларнинг маъноси 1970 йилда БМТ томонидан маъқулланган халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда ҳар томонлама очиб берилган. Ушбу декларацияда кўрсатилишича «Давлатлар, улар мансуб бўлган сиёсий, иқтисодий ва социал тизимлардаги тафовутлардан қатъий назар давлатлараро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва халқаро иқтисодий барқарорлик ва тараққиётга, халқларнинг ялпи фаровонлигига ва халқаро ҳамкорлигига ёрдам бериш мақсадида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари шарт.» Марказий Осиё давлатлари ўртасида шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизми муайян маънода ишлаб турибди, деб айтиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги ташкилоти тузилган ва унинг доирасида давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб турибдилар.

Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, гуманитар, илмий-техник ҳамкорлик бўйича ўнлаб минтақавий ҳамда икки томонлама битим ва шартномалар мавжуд.

Парламентлар ва ҳукуматлар ўртасида ҳам турли кўринишда доимий мулоқот олиб борилмоқда. Лекин давр уларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилган маърузасида давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмунини ва мақсадларини тавсифлар экан, жумладан, «интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш шартлигини кўрсатди. Ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай ишини таъкидлади. Демак, Марказий Осиёни минтақавий хавфсизлик ҳудудига айлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб, қатор иқтисодий вазифалар билан чамбарчас боғлиқ. Минтақада шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмларини кўп қиррали сиёсий муносабатлар асосида маданий-гуманитар, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув ва энергетика муаммолари билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим.

Шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизми, энг аввало, давлат раҳбарлари ва қонун чиқарувчи, ижро органлари ўртасида доимий ўзаро фаолият юритишни талаб қилади. Бундай ўзаро фаолият биргаликдаги фаолиятдир. Унинг пировард мақсади ягона, у ҳам бўлса шерикчиликдир.

Сиёсий-ҳуқуқий механизм пухта ишланган тартибни, ҳамкорлик субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ чегараланганлигини, тегишли масъулиятлар белгилаб қўйилишини тақозо қилади. Сиёсий раҳбарларнинг икки ва кўп томонлама учрашувлари, доимий мулоқоти сиёсий-ҳуқуқий механизмнинг соз ва аниқ ишлашни таъминловчи асосий омилдир.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмини шакллантириш илмий муаммо сифатида миллий ҳуқуқ мактаблари олдида турган вазифа эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Шу жумладан, ўзбек ҳуқуқшунослик мактаби шерикчилик сиёсий-ҳуқуқий механизмини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, қонунларни уйғунлаштириш (гармонизация) бўйича таҳлилий ишлар олиб бориш ва қонунларни бир хиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Марказий Осиёда шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари мавжуд. Асосий вазифа, улардан самарали фойдаланишни ташкил этишга бориб тақалади.

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ва икки томонлама битимлар ва шартномаалар ижроси таъминланиши лозим. Улар қоғозда эмас, амалда ишлаши керак. Бунинг учун ҳар бир давлат ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши шарт.

Иккинчидан, Марказий Осиёда ягона иқтисодий ва ҳуқуқий майдонни вужудга келтириш жараёни изчиллик билан давом эттирилиши лозим. Марказий Осиёдаги деярли барча давлатлар иқтисодий ривожланишнинг бир босқичида турибди. Демак, муаммолар ўхшаш ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари ҳам ўхшаш бўлмоғи лозим. Бу соҳада қонун чиқарувчи органлар, муştақил алоқаларни йўлга қўймоғи талаб этилади. Иқтисодий блок қонунлар лойиҳаларини биргаликда тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, бунга мамлакат-

ларнинг етакчи олимларини жалб этиш лозим.

Марказий Осиёда умумий бозорни вужудга келтириш, энг аввало, банк, молия, савдо, кредит, транспорт, юк ва йўловчи ташиш соҳасида қонунлар бир хиллигини тақозо этади. Бу борадаги қонунларда муштарак жиҳатлар кўпроқ. Асосий фарқлар қонуности ҳужжатларида яширинган. Уларни унификация қилиш қийин муаммо бўлиб, маҳкамавий манфаатларни бартараф этиш билан боғлиқ. Бу вазифа бир давлат миқёсида қанчалик қийин бўлса, бир неча давлат миқёсида ечиб бўлмас мушкулотларни келтириб чиқаради, деб айтиш мумкин. Бироқ уни ҳал этиш мумкин, агар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси таъминланса. Албатта, бунда, энг аввало, умумий манфаатларни ҳимоя қилиш билан бирга, ён бериш, муроса қилиш, бир-бирини англаш ва тушуниб етишга интилиш каби ҳолатлар, истаклар бўлиш талаб этилади.

Умумий бозорда товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучлари эркин ҳаракат қилиши лозим. Ҳозирда Европа ҳамжамияти ана шундай юқори даражада уюшган ҳамкорликка эришди. Марказий Осиё давлатлари ҳам ўз ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий механизмини шакллантиришда Европа ҳамжамияти тажрибасини қўллаши мақсадга мувофиқдир. Бироқ бунда, механик равишда нусха кўчириш эмас, балки реал шарт-шароитлардан, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш лозим.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги шерикчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмининг доимий ва барқарор йўлга қўйилиши, нафақат давлат раҳбарлари, парламентлар ва ҳукуматлар олдида турган вазифа, балки бунда миллий дипломатия ходимлари билан бир қаторда, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, айниқса, бизнес-элита фаол қатнашмоғи лозим, чунки умумий иқтисодий манфаатларга асосланган шерикчиликкина доимий ва ўзгармасдир. Ўз навбатида, юқоридаги муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқшунос олимлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар ўз ҳиссаларини қўшмоклари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ РОЛИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Камолиддин Юнусов,
с.ф.д., Андижон ДУ

Эски арава конструкцияси билан замонавий ракета қуриб бўлмаганидек, эскича қараш ва ёндашувлар билан ҳам янги ҳаётни қуриб бўлмайди. Талабаларга Ўзбекистонда жамият ҳаётини янгилаш, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг амал қилиш тамойилларини тушунтиришда ижтимоий-сиёсий фанларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Айниқса, ҳозирда жамиятимиз ҳаётида бир томонда диний экстремистик, террористик, халқаро жиноятчиликнинг жирканч башараси ўзини намоён қилаётган бўлса, бошқа томондан эса айрим ғарб сиёсий доиралари – "демократия корчалонлари"нинг бизда, демократик жамият қуришни тезлаштириш мақсадида "демократик инқилоблар"ни амалга оширишни кўзлаётганлари шароитида, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-сиёсий фанларнинг роли, уларнинг долзарблиги ортмоқда.

Дунё сиёсий майдонидаги кураш шунчалар даражада мураккаблашиб бормоқдаки, унинг асл маъно-мазмунини, моҳиятини ҳар қайси талаба ҳам чуқур англай олмайди. Бунинг оқибатида эса баъзи ёш улар, миллий манфаатларимизга зид келувчи, юзаки кўринишда беозор, аммо ўта хавфли ёт мафкураларга берилиб қолаётганликлари аянчлидир.

2005 йил март ойининг сўнгги ўн кунлигида қўшни Қирғизистонда юз берган "демократик инқилоб"га Андижон вилоятидаги олий ўқув юртлари талабалари ҳам жиддий безовталик билан қарадилар. Талабаларга ижтимоий-сиёсий фанлардан дарс бериш мобайнида шуни кузатиш мумкин бўлдики, гарчи қўшни давлатда содир бўлсада, Қирғизистонда рўй берган сиёсий воқеалар талаба ёшларда ҳадиксираш, кўрқинч уйғотди.

Талаба ёшларга мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик -барқарорлик, бунёдкорликка асосланган жараён моҳиятини, мазмунини англатиш, ҳис қилдиришда ижтимоий-сиёсий фанларнинг роли беқиёсдир.

Олий ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда қатор муаммолар борки, уларни ижобий ҳал қилмасдан, бу фанларнинг самарадорлик даражасини кўтариб бўлмайди. Бизнингча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида, ҳаётимизга бозор муносабатлари тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Ижтимоий-сиёсий фан ўқитувчиларининг ўта масъулиятли ва машаққатли меҳнатини қадрлаш, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда тарғибот ишларини олиб боришда, бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда муносиб ҳақ тўлаш йўлга қўйилиши лозим. Бунга, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл ваколатхоналари, жамғармаларининг иш олиб бориши намуна бўла олади.

2. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ишлар Республикамизда кенг кўламда амалга оширилмоқда. Аммо буларнинг барчаси эскича, маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб борилмоқда. Жамиятимизда ҳуқуқий-демократик тамойилларнинг кенгроқ амал қилиб бориши учун, маърифатпарварлик ишларини энг замонавий усул ва воситаларни ишга солиш орқали амалга ошириб бормоқ мақсадга мувофиқдир.

3. Республика миқёсида ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишлаб ўтказилаётган амалий семинарларни ташкилий жиҳатдан янада такомиллаштирмоқ зарур.

4. Республикамиз вилоятларидаги олий ўқув юртлари олимлари томонидан мамлакатимизнинг ҳозирги даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган илмий ишлар натижалари – монографиялар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар чоп қилинаётир. Аммо уларнинг кўплари фақат бир вилоят миқёсидагина ёки айрим олийгоҳдагина тарқалиб, бошқа вилоятларга тарқалмаяпти. Ваҳоланки, уларнинг ичида республика аҳамиятига молик асарлар оз эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги аниқ амалий таклиф ва тавсияларни баён қиламиз:

1. Республика олий ўқув юртларида дарс берувчи ижтимоий-сиёсий фан

ўқитувчиларининг йиллик ўқув юкламалари 550 соат ҳажмида бўлиши мақсадга мувофиқ.

2. Республика миқёсида ижтимоий-сиёсий мавзулар бўйича ўтказиладиган илмий-амалий семинарларга сарф қилинаётган молиявий маблағларни жиддий равишда оширмоқ жоиз. Токи, бундай тадбирларда ижтимоий фан ўқитувчиси ўз шахсий маблағи ҳисобидан қатнашмасин.

3. Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят, шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимларининг моддий-молиявий имкониятини кескин ошириш зарур. Ҳар қандай маънавий-маърифий тадбирлар молиявий жиҳатдан яхши таъминланмоғи жоиз.

4. Айрим ижтимоий фанлар, масалан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича илмий, ўқув-услубий адабиётларни жойларда, вилоятларда чоп этишга тўсқинлик қилиш - қуйида, кенг зиёлилар ўртасида миллий туйғуни бўғиш билан баробардир. Бу соҳада марказлаштириш – миллий истиқлол ғоясини маъмурий-буйруқбозлик қобиғига ўраш демакдир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

5. Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда ўқувчи ва талабалар фаоллигини оширишга қаратилган интерфаол усулларга тўла ўтмоқ зарур. Унда жамиятимиз ҳаётидаги мавжуд муаммолар танқидий тафаккур юритиш орқали таҳлил қилинмоғи ва бу муаммоларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш асосий ўрин эгалламоғи лозим.

6. Жойларда, олий ва ўрта махсус таълими ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий мавзулар бўйича ўқитиладиган махсус курсларни ўқитишда кампаниябозликка йўл қўймай, уларнинг изчил ўқитилишини таъминламоқ, яъни ўқув йили давомида олиб борилмоғи мақсадга мувофиқ.

SUMMERY INFORMATION OF THIS ISSUE

S.SAFOEV. *GEOPOLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA AND ITS PLACE IN THE WORLD SYSTEM OF INTERNATIONAL RELATIONS*

Politics

S.SAIDOLIMOV. *SPECIFIC FEATURES OF SOME CONCEPTUAL VIEWS IN SECURITY*

YA.MUKHAMMEDOV. *UZBEKISTAN – IRAN: RELATIONSHIPS IN THE NEW CONDITIONS*

G.I.YULDASHEVA. *ANKARA'S GEOPOLITICAL INTERESTS IN CENTRAL ASIA IN THE CONTEXT OF IRAN AND AMERICAN CONFLICT*

Economics

B.KHODJAEV. *METHODICAL PECULIARITIES OF EVALUATION OF THE COUNTRY'S COMPETITIVENESS*

R.KARIMOV. *STRUCTURAL CHANGES IN BASIC BRANCHES OF ECONOMY OF UZBEKISTAN*

I.Z.ABDULLAEV. *INTERNATIONAL CORPORATIONS AND PROCESS OF GLOBALIZATION OF THE ECONOMY (SOME ISSUES OF THEORY AND PRACTICE)*

AZIZA UMAROVA. *ECONOMIC INTEGRATION IN CENTRAL ASIA: PROBLEMS AND PROSPECTS*

Law

A.B.GULIMOV. *LEGAL MATTERS OF CREATION OF NUCLEAR WEAPON-FREE ZONE IN CENTRAL ASIA*

B.I.ISMAILOV. *COOPERATION OF STATES IN THE FIELD OF STRUGGLE AGAINST THE INTERNATIONALLY ORGANIZED CRIMINALITY*

G.KHUDOYBERDIEVA. *PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL NORMS RELATED TO ADJACENT LAWS IN THE NATIONAL LEGISLATION*

Spirituality and education

N.ALLAEVA. *FROM THE HISTORY OF DIPLOMATIC AFFAIRS BETWEEN IRAN AND KHIVA KHANATE (XVI-XVIII cc.)*

F. MUMINOV. *SCIENTIFIC ARTICLE PREPARATION METHODS*

H.G.GULOMOV. *KHAN'S AMBASSADOR IN RUSSIA*

Materials of scientific conferences

L.SAIDOVA. *BURNING ISSUES OF LEGAL REFORMS IN THE PROCESS OF DEMOCRATIZATION OF SOCIETY*

N.SIRAJIDDINOV. *ACTUAL DIRECTIONS OF IMPLEMENTATION OF ECONOMIC REFORMS*

R.U.ERNAZAROV. *MASS MEDIA AND DEMOCRATIC RENOVATION IN UZBEKISTAN*

Z.S.UBAYDULLAEV. *POLITICAL AND LEGAL MECHANISMS OF COOPERATION AMONG CENTRAL ASIAN COUNTRIES*

K.YUNUSOV. *ROLE OF SOCIAL AND POLITICAL SUBJECTS IN THE SOCIETY RENOVATION: EXISTING PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS*

КРАТКАЯ ИНФОРМАЦИЯ О СОДЕРЖАНИИ ВЫПУСКА

С.САФОЕВ. *ГЕОПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И МЕСТО РЕГИОНА В МИРОВОЙ СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ*

ПОЛИТИКА

С.САИДОЛИМОВ. *СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ВЗГЛЯДОВ В СФЕРЕ БЕЗАПАСНОСТИ*

Я.МУХАММЕДОВ. *УЗБЕКИСТАН-ИРАН: ОТНОШЕНИЯ В НОВЫХ УСЛОВИЯХ.*

Г.И.ЮЛДАШЕВА. *ГЕОПОЛИТИЧЕСКИЕ ИНТЕРЕСЫ АНКАРЫ В ЦЕНТРАЛНОЙ АЗИИ В КОНТЕКСТЕ ИРАНО-АМЕРИКАНСКИХ ПРОТИВОРЕЧИЙ*

ЭКОНОМИКА

Б.ХОДЖАЕВ. *ОСОБЕННОСТИ МЕТОДИКИ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ СТРАНЫ*

Р.КАРИМОВ. *СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ОСНОВНЫХ ОТРАСЛЯХ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА*

И.З.АБДУЛЛАЕВ. *МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОРПОРАЦИИ И ПРОЦЕСС ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ (НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ)*

А.УМАРОВА. *ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ИНТЕГРАЦИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ*

ПРАВО

А.Б.ГУЛИМОВ. *ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ЗОНЫ,СВОБОДНОЙ ОТ ЯДЕРНОГО ОРУЖИЯ В ЦЕНРАЛЬНОЙ АЗИИ*

Б.И.ИСМАИЛОВ. *СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С МЕЖДУНАРОДНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТЬЮ*

Г.ХУДОЙБЕРДИЕВА. *ПРОБЛЕМЫ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМ ОТНОСИТЕЛЬНО СМЕЖНЫХ ПРАВ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО*

ДУХОВНОСТЬ И ПРОСВЕЩЕНИЕ

Н.АЛЛАЕВА. *ИЗ ИСТОРИИ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ИРАНОМ И ХИВИНСКИМ ХАНСТВОМ (XVI-XVIII вв.)*

Ф.МУМИНОВ. *МЕТОДИКА ПОДГОТОВКИ НАУЧНОЙ СТАТЬИ*

Х.Г.ГУЛОМОВ. *ХАНСКИЙ ПОСОЛ В РОССИИ*

МАТЕРИАЛЫ НАУЧНЫХ КОНФЕРЕНЦИЙ

Л.САИДОВА. *АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ПРАВОВЫХ РЕФОРМ В СФЕРЕ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА*

Н.СИРАЖИДДИНОВ. *ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРОВЕДЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ В ЖИЗНЬ*

Р.У.ЭРНАЗАРОВ. *ДЕМОКРАТИЧЕСКИЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И СРЕДСТВА МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ*

З.С.УБАЙДУЛЛАЕВ. *ПОЛИТИЧЕСКИЕ И ЮРИДИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ СОТРУДНИЧЕСТВА ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ*

К.ЮНУСОВ. *РОЛЬ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК В ПРЕОБРАЗОВАНИИ ОБЩЕСТВА: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ*